

Cover

РУКН 2:4

3-БОСҚИЧ

ЖАМОАТ АЪЗОЛАРИ УЧУН ОММАБОП ЎҚУВ ДАСТУРИ

NAVPRESS нашриёти

Page 3

МУНДАРИЖА

ДАСТУРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ.....5

БИРИНЧИ ДАРС	7
Иккинчи босқич мақсадларининг таърифи.....	7
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: биринчи ҳафта.....	8
Мазкур босқичда ёд олинадиган оятларнинг тематик тизими.....	9
Муқаддас Китоб борасида мулоҳаза қилиш (гурухда бажариладиган топшириқлар) ..	11
ИККИНЧИ ДАРС	18
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: иккинчи ҳафта.....	18
Мулоҳаза гуруҳини олиб бориш учун кўрсатмалар.....	19
УЧИНЧИ ДАРС.....	25
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: учинчи ҳафта.....	25
Гуруҳ етакчилари учун қўлланма: “Масиҳда улғайиш” мавзусига оид саволлар.....	28
ТЎРТИНЧИ ДАРС	28
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: тўртинчи ҳафта.....	28
Гуруҳ етакчилари учун қўлланма: “Масиҳнинг ҳокимияти” мавзусига оид саволлар..	29
“Кўпприк” сурати: Хушхабар айтишда “Кўпприк” усулидан фойдаланиш	30
БЕШИНЧИ ДАРС	36
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: бешинчи ҳафта.....	36
Гуруҳ етакчилари учун қўлланма: “Масиҳнинг ҳокимияти” мавзусига оид саволлар (давоми).....	37

ОЛТИНЧИ ДАРС.....	38
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: олтинчи ҳафта.....	38
Гурух етакчилари учун қўлланма: “Имон ва Худонинг ваъдалари” мавзусига оид саволлар.....	39
ЕТТИНЧИ ДАРС	40
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: еттинчи ҳафта.....	40
Гурух етакчилари учун қўлланма: “Имон ва Худонинг ваъдалари” мавзусига оид саволлар (давоми).....	41
САККИЗИНЧИ ДАРС	42
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: саккизинчи ҳафта.....	42
Матто 6:33 оятининг таҳлили	43
“Муҳим масалалар” 1-қисм	46
ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС	51
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: тўққизинчи ҳафта.....	51
Page 4	
Гурух етакчилари учун қўлланма: “Худонинг иродасини билиш” мавзусига оид саволлар	52
“Муҳим масалалар” 2-қисм	53
ЎНИНЧИ ДАРС	55
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: ўнинчи ҳафта.....	55
Гурух етакчилари учун қўлланма: “Худонинг иродасини билиш” мавзусига оид саволлар (давоми).....	56
“Муҳим масалалар” 3-қисм	57
ЎН БИРИНЧИ ДАРС	61
Гурух етакчилари учун қўлланма: “Худонинг хизматкори бўлиш” мавзусига оид саволлар	56
ЎН ИККИНЧИ ДАРС.....	63
Гурух етакчилари учун қўлланма: “Худонинг хизматкори бўлиш” мавзусига оид саволлар (давоми).....	63
“МАСИҲГА ҲАМРОҲ БЎЛИШ”, <i>Шогирдлик моҳияти</i> , 3–Китоб.....	65
“Масиҳда улғайиш”.....	66
“Масиҳнинг ҳокимияти”.....	74
“Имон ва Худонинг ваъдалари”.....	81
“Худонинг иродасини билиш”.....	89
“Худонинг хизматкори бўлиш”.....	96
“Дастурни ўрганиши кундалиги” 104 бетдан кейин илова қилинган	

Ўзлаштириш жадвали

Гурухингиз аъзоларидан илтимос қилинг, олаётган билимларингизни улар текшириб туришсин. Текширув ўтказилган куннинг санасини ёзиб, ўз имзоларини қўйишин.

ЁД ОЛИНГАН ОЯТЛАР

ИМЗО САНА

“Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни эълон қилинг” мавзусига оид Б1–12 таркибидаги ояталар

“Ҳамма гуноҳ қилган” Римликларга 3:23		
“Ҳамма гуноҳ қилган” Ишаё 53:6		
“Гуноҳ учун жазо” Римликларга 6:23		
“Гуноҳ учун жазо” Ибронийларга 9:27		
“Гуноҳимизнинг жазосини Масиҳ тортди” Римликларга 5:8		
“Гуноҳимизнинг жазосини Масиҳ тортди” 1Бутрус 3:18		
“Савоб ишлар орқали нажотга эришиб бўлмайди” Эфесликларга 2:8–9		
“Савоб ишлар орқали нажотга эришиб бўлмайди” Титус 3:5		
“Масиҳни қабул қилмоқ даркор” Юҳанно 1:12		
“Масиҳни қабул қилмоқ даркор” Ваҳий 3:20		
“Абадий ҳаётга ишонч” 1Юҳанно 5:13		
“Абадий ҳаётга ишонч” Юҳанно 5:24		

ХУДО ҲУЗУРИДАГИ ВАҚТ

Ўн тўрт кун давомида Муқаддас Китобни ўрганишда
фойдаланиладиган кундалик дафтарини тўлдирди

ГУВОХЛИК

Ёзувлардан фойдаланмаган ҳолда тўрт дақиқа ичida Хушхабар
айтди

МУҚАДДАС КИТОБНИ ЎРГАНИШ – “Масиҳга ҳамроҳ бўлиш” мавзуси, *Шогирдлик
моҳияти*, З–Босқич

1–боб: “Масиҳда улғайиш”		
2–боб: “Масиҳнинг ҳокимияти”		
3–боб: “Имон ва Худонинг ваъдалари		

БИРИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

- Дастурдаги “Иккинчи босқич мақсадларининг таърифи” бўлимини кўриб чиқинг (7–бет).
- Ўзлаштириши жадвали ёрдамида, З–босқич мавзулари билан танишинг (5–6–бетлар).
- “Оятларни ёд олии бўйича кўрсатмалар”: биринчи ҳафтани кўздан кечиринг (8–бет).

4. Мазкур босқичдаги “*Масиҳга ҳамроҳ бўлиш*” мавзусини ўқинг (65–103–бетлар). Ушбу босқич давомида Инжилни ўрганиш машғулотларида сиз айнан шу мавзудан фойдаланасиз. Бўлимнинг “Кириш” қисмини овоз чиқариб ўқинг (65–бет).
5. “*Муқаддас Китоб борасида мулоҳаза қилиши*” машғулотини гурӯҳда ўтказинг (9–бет).
6. Иккинчи дарс учун топшириқлар бўлимини ўқинг (17–бет).
7. Дарсни ибодат билан якунланг.

Иккинчи босқич мақсадларининг таърифи

2–босқич мақсадлари қуидагилардан иборат:

1. Худонинг ҳузуридаги сокин вақтни мунтазам равишда, самарали ўтказиш. Бунинг учун:
 - а. Муқаддас Китобни ўқиб, ибодат қилинг.
 - б. Босқич давомида 14 марта, битта қолдирмай, сокин вақт ўтказинг.
 - в. Сокин вақт пайтида ҳаёлингизга келган фикрларни ва Худодан эшитган сўзларни “*Дастурни ўрганиши кундалиги*”га ёзиб боринг.
 - г. Сокин вақтда келган энг муҳим фикрларни гурӯҳ аъзоларига мазмунли тарзда баён этишни ўрганинг.
2. “*Масиҳ билан янги ҳаётга қадам ташлаш*” мавзусига оид 5та оятни ёддан билиш.
3. *Каломни ёд олишининг тематик тизими* таркибига кирувчи дастлабки 12 оятни ёд олиш (ушбу оятлар мазмунан “*ғилдирак*” расмига боғлиқ).
4. “*Менинг қалбим — Масиҳ маскани*” номли рисолани ўрганиб, муҳокама қилиш.
5. “*Кунни ибодатда ўтказиши*” мавзусидаги рисола билан танишиб чиққанингиздан кейин, ярим кунни тоат–ибодатга бағишлишаш.
6. Гурӯҳда ўтказиладиган машғулот: “*Муқаддас Рӯҳга тўлган масиҳий*” мавзусини биргаликда ўрганиб, муҳокама қилинг (бу *Шогирдлик моҳияти*, 2–Китобнинг мавзуси).
7. Имонга қандай келганингиз тўғрисида гувоҳлик беринг. Бунга беш дақиқа вақт ажратилган. Сиз учинчи ва бешинчи варакалардан фойдаланишингиз мумкин.

Page 8

Оятларни ёд олиш бўйича қўрсатмалар

(Каломни ёд олишининг тематик тизими)

Сиз иккинчи босқич давомида “Каломни ёд олиш тематик тизими”нинг дастлабки 12та оятини ёд олдингиз (А рукни 1–12). Билим сўқмоқларидан шаҳдам қадам билан илгарила боряпсиз. Ёд олган оятларингизнинг самарасидан баҳраманд бўляпсиз. Энди навбатдаги (Б рукнига оид) 12та оятни ёд олишга киришар экансиз, жадалликни сусайтирган.

Мазкур қўрсатмаларни ўрганиб чиқинг, сўнг ҳар ҳафта “*Оятлар борасида*” деган парчани ўқиб, “*Ҳафталик режсангиз*” қисмида берилган қўрсатмаларга риоя қилинг.

Эришиладиган натижалар

Биз Муқаддас Китобдан оятларни ёд олганимизда кўп ижобий натижаларга эришамиз. Биринчидан, одамларга Хушхабарни самарали тарзда етказа оладиган бўламиз. Иккинчидан, кўркув ва хавотирлик ҳиссини енгамиз, учинчидан, власасаларга қарши тура оламиз. Биз булар ҳақида 2–босқичда сўз юритган эдик. Мазкур, 3–босқичда сиз ёд оладиган оятлар, Хушхабарни янада самаралироқ тарзда етказишингизга ёрдам беради.

Ёру биродарлар мададига сүянинг

“Темир темирни ўткирлайди, инсон эса дўстини” (Сулаймоннинг ҳикматлари 27:17) ва “Икки кишига бир кишидан яхшироқ...Агар биттаси йиқилса, иккинчиси турғизади...” (Воиз 4:9–10). Худонинг йўлидан юрар эканмиз, ҳаммамизга далда керак бўлади. Оятларни ёд олаётганда ҳам ортиқча ёрдам ҳалал қилмайди.

2:7 гурухингиздаги биронтасидан илтимос қилинг, у сиз билан дарсдан ташқари учрашиб, ёд олган оятларингизни текшириб турсин. Сиз унга муаммо ва қийинчиликларингиз ҳақида айтсангиз бўлади, лекин иложи борича оятлар ҳаётингизга қандай таъсири ўтказаётгани ҳақида гаплашинг. Бу сизга оятларни ёд олишда ёрдам беради.

Билим ва амал ҳақида

Баъзи масиҳийлар билим билан етукликтинг фарқига бормайдилар. Агар Муқаддас Китобни мукаммал билсан ўз–ўзидан яхшироқ масиҳий бўлиб қоламан, деб ўйлашади улар. Бу доимо ҳам тўғри бўлавермайди. Фарзийлар Эски Аҳдни мукаммал билишарди, аммо руҳан жоҳил инсон эдилар. Руҳий етукликка эришишнинг ягона йўли бу — Худонинг сўзини амалда қўллаш.

Ҳаворий Павлус Коринфлик масиҳийларни дунёга тегишли, имонда гўдак деб атаган. Уларни қуюқ овқат билан эмас, сут билан боқиш керак эди. Коринфлик имонлилар ўз донолиги ва билими билан мақтаниб юришарди ва Павлус ўргатмоқчи бўлган ҳақиқатни онг даражасида ўзлаштиришлари мумкин эди. Бироқ уларнинг ҳаёти ўзлари билган ҳақиқатга тўғри келмасди. Ҳасад ва адсоват уларнинг орасига низо солганди, шунинг учун ҳам улар ўзларини дунёвий одамлардай тутишарди. Уларнинг ҳаёт тарзи Коринфдаги имонсиз одамларнидан асло фарқ қилмасди. Нақадар ачинарли холат! Аслида, улар Худонинг амрларини амалда қўллашлари керак эди.

Мулоҳаза қилмоқ — амал томон илк қадам

Мулоҳаза билан амал бир–бирига чамбарчас боғлиқдир. Муқаддас Китоб ақидаларини амалда ишлата олишимиз учун, биз биринчи навбатда, улар тўғрисида мулоҳаза қилишимиз ва шу йўл орқали онгимизни янгилашимиз керак. Бироқ, ҳозирги замонда биз ҳамма нарсани тез, ўйламасдан бажаришга одатланиб қолганмиз. Биз овқатланиш ва ухлашга етарлича вақт ажратса олмаганимиздан кейин, мулоҳаза ва ибодат қилиш ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Худонинг хоҳишидаги инсон бўла олишимиз учун, ибодат ва мулоҳаза вақтини режалаштириб, унга риоя қилишимиз даркор. Бу босқичнинг мақсадларидан бири — сизга сокин вақтни одат қилишингизга ёрдам беришдан иборат.

Худонинг сўзи борасида мулоҳаза қилиб, уни амалда қўллаган одамга Худо катта мукофот ваъда қилган. Ёшуа китобининг 1–боб, 8–оятида шундай ёзилган: “*Тавром китобида ёзилганлар тилингдан тушимасин, уларни битта қолдирмай бажаришинг учун кечаю кундуз улар ҳақида фикр юритгин. Шунда ишларинг юришиб, ўнгидан келади.*” (Забур 1:2–Зни ҳам ўқинг). Довуд пайғамбар ўз муваффакияти негизини шундай сўзлар билан ифодалаган: “*Йўлларимга диққат қилдим, шартларинг бўйича қадам босаман.*” (Забур 118:59).

Фикрни бир жойга жамламоқ хотирани яхшилайди

Оятни ёд олганингизда ҳаёлингизни йифинг. Бутун эътиборингизни ўша оятга қаратинг. Оят онгингизга муҳрланиб қолиши учун бутун дикқатингиз талаб этилади. Шайтон қўлидан келганча, эътиборингизни чалғитишга ҳаракат қилади. Диққатингизни бир жойга жамлай олишингиз учун Худодан ёрдам сўранг.

1. Оятларни ёд олишни бошлаганингизда ўзингизни чарчаган ҳис қилсангиз, кўчага чиқиб, тоза ҳавода айланиб келинг ёки қаҳва ичинг.

Page 9

Узокни қўзлаган мақсадда сизга яна бошқа бир маслаҳат берган бўлардим: ётиб дамингизни олинг. Оятларни ёдлашни эса эрталабки пайтга белгиланг.

2. *Шовқин диққатни бўлади.* Иложи борича тинч жой топишга ҳаракат қилинг.
3. *Ҳавотир, қўрқув, асаб, гина, тушкунлик* каби салбий ҳис–туйғулар оятларни ёд олишимизга халақит беради. Агар бундай ҳис–туйғуларга эга бўлсангиз, уларни Худога ҳавола қилинг ва қалбингиз учун хотиржамлик сўранг.

Оятни сурат шаклида кўз олдингизга келтиринг

Сўз ва ғоялардан кўра, биз сурат ва расмларни яхшироқ эслаб қоламиз. Агар маълум бир оятни берилган мавзуга боғлай олмасангиз, онгингизда оятнинг мазмунига асосланган бир суратни чизишга ҳаракат қилинг. Бу сурат кейинчалик оятни эслай олишингизга ёрдам беради. Сурат иложи борича ғайриоддий ва ўзгача бўлсин, шунда у хотирангизда муҳрланиб қолади.

Мисол учун 2–босқичда ёд олинганларни, яъни Матто 4:19 ва Римликларга 1:16–оятларни олайлик. Биринчи оят учун Исонинг образидан, иккинчи оят учун эса Павлуснинг образидан фойдаланинг. Энди тасаввур қилинг: Исо Жалила кўлининг соҳилида турибди. Иккита балиқчи кўлга тўр ташляяпти. Исо уларга қараб: “*Ортимдан юринглар, Мен сизларга одамларни овлашини ўргатаман*”, деб айтапти. Онгингизда бу суратни эслаб қолинг. Суратни Хушхабар айтиш мавзусига боғлаб, Муқаддас Китобдаги унинг манзили Матто 4:19лигини эслаб қолинг.

Павлус Римликларга мактубини Римдаги биродарларга ёзгани учун мактуб шу ном билан аталган. Энди Павлусни Римдаги Форум ёки Колизей залида туриб, овози борича мажусийларга шундай сўзларни айтаётганини тасаввур қилинг: “Мен Хушхабардан ор қилмайман, чунки Худонинг куч–қудрати бўлган бу Хушхабар орқали унга ишонганларнинг ҳаммаси кутқарилади. Ишонадиганлар яхудийми, ғайрияхудийми, фарқи йўқ!”. Бу суратни Хушхабар айтиш мавзуси билан ва Римликлар 1:16 манзили билан боғлаган ҳолда эслаб қолинг.

Ёд олишнинг оммабоп усули сизга тўғри келмаса, сурат усули сизга айнан қўл келиши мумкин.

Ўзингизни текширинг

Ҳар ҳафта ёд олган оятларни текшириш учун тест 4–босқичда ўтказилади.

Мазкур босқичда ёд олинадиган оятларнинг тематик тизими

Сиз *Каломни ёд олишининг тематик тизими*га оид дастлабки 12 оятни ёддан биласиз. Бу оятлар “Янги ҳаёт кечиринг” мавзусига оид бўлиб, А рукни таркибиға кирган. Навбатдаги тўртта руқннинг мавзулари қуидагича бўлади: Б рукн — “Масих ҳакида Хушхабар айтинг”, В рукн — “Худонинг таъминотига таянинг”, Г рукн — “Масиҳнинг шогирди бўлинг” ва Д рукн — “Исо Масиҳга ўхшаб боринг”. Мазкур 3–босқичда сиз кейинги 12та оятни ёд оласиз, бу оятлар сизга Хушхабар айтишингизга ёрдам беради.

Масиҳ ҳакида Хушхабар айтинг

“Ҳамма гуноҳ қилган”

“Гуноҳ учун жазо”

Римликларга 3:23 Ишаё 53:6

Римликларга 6:23 Ибронийларга 9:27

“Гунохимизнинг жазосини Масих тортди”	Римликларга 5:8	1Бутрус 3:18
“Савоб ишлар орқали нажотга эришиб бўлмайди”	Эфесликларга 2:8–9	Титус 3:5
“Масихни қабул қилмоқ даркор”	Юҳанно 1:12	Ваҳий 3:20
“Абадий ҳаётга ишонч”	1Юҳанно 5:13	Юҳанно 5:24

Page 10

Сиз олдинги дастур давомида ёд олган оятларнинг мавзулари қуида берилган. Ҳозирги Б рукнида сиз “*Masikh ҳақида Хушхабар айтинг*” мавзусига оид ўн иккита оятни ёд оласиз ва мазкур, 3–босқич ниҳоясига келиб, бу оятларнинг ҳаммасидан яхши фойдалана оладиган бўласиз.

Masikh билан янги ҳаётга қадам ташлаши мавзусига оид оятлар:

Нажот кафолати	1Юҳанно 5:11–12
Ижобат бўладиган ибодат кафолати	Юҳанно 16:24
Ғалаба кафолати	1Коринфликларга 10:13
Гуноҳларни кечириш кафолати	1Юҳанно 1:9
Худо бизни бошқариши кафолати	Сулаймоннинг ҳикматлари 3:5–6

A. Янги ҳаёт кечиринг

Масих — ҳаётимиз маркази	2Коринфликларга 5:17	Галатияликларга 2:20
Масихга итоаткорлик	Римликларга 12:1	Юҳанно 14:21
Муқаддас Китоб	2Тимўтийга 3:16	Ёшуа 1:8
Ибодат	Юҳанно 15:7	Филиппиликларга 4:6–7
Имонлилар йиғини	Матто 18:20	Ибронийларга 10:24–25
Хушхабар айтмоқ	Матто 4:19	Римликларга 1:16

Оятларни ёддан билганимизда уларнинг мазмуни ҳақида фикр юрита оламиз. Ёд олишнинг энг катта фойдаси ҳам шу бўлса керак. Бу босқич давомида сиз 11–17–бетлардаги машқларни бажариб, мулоҳаза қилиш қобилиятингизни янада оширасиз.

Дастурнинг асосий мақсадларидан бири — бу ёд олган оятларингиз борасида мулоҳаза қилишингиздир. Сиз оятларни шунчаки хотирангизда сақлабгина қолмай, уларнинг мағзини чақасиз, фош бўласиз, далда оласиз, гуноҳ устидан ғалаба қозониш учун куч оласиз. Худонинг Ёшуага айтган сўзларини эсланг, У шундай деганди: “Таврот китобида ёзилганлар тилингдан тушмасин, уларни битта қолдирмай бажаришинг учун кечаю кундуз улар ҳақида фикр юритгин. Шунда ишларинг юришиб, ўнгидан келади” (Ёшуа 1:8).

Ёд олган оятларингизни мунтазам равишда такрорлаб туришингиз даркор. Дастурнинг охирига келиб, А ва Б рукнидаги барча оятларни, шунингдек, “*Masikh билан янги ҳаётга қадам ташлаши*” мавзусидаги бешта оятни, уларнинг манзили ва қайси мавзуга оид эканлигини ёддан билишингиз керак. Буни ўзингиз учун мақсад қилиб кўйинг ва уни бажариш учун вақт ажратинг.

Оятларни ёд олиб, улар ҳақида мулоҳаза қилиш мазкур дастурнинг стратегик мақсадларидан бири ҳисобланади. Бу классик оятлар рухингизни озиқлантириб, келажакда руҳий ўсишингиз учун замин яратади. Шунда сиз Забур муаллифининг қуидаги сўзларини қалдан ҳис эта оласиз: “О, нақадар севаман қонунингни! Кун бўйи хаёлимда тутаман уни.” (Забур 118:97).

Муқаддас Китоб борасида мuloҳаза қилиш

Гурухда бажариладиган топшириқ

“Шундай инсонлар саодатлиди: Улар фосиқлар маслаҳатига юрмайды, гуноҳкорлар йўлида улар турмайды, мазахчилар орасида улар ўтирамайды. Ҳа, улар Эгамизнинг қонунидан завқ олади, туну кун таълимотининг мағзини чақади. Үндай инсонлар оқар сув бўйига ўтқазилган дараҳтларга ўхшайди. Улар ўз мавсумида мевасини беради, барглари асло қуrimайди. Улар неки қилса, омади келади.” (Забур 1:1–3).

Мuloҳаза қилиши дегани нима?

Мuloҳаза қилмоқ — фикран муҳокама юритмоқ, ўйламоқ, мағзини чақмоқ дегани. Мuloҳаза қилмоқ хаёл сурмоқ ёки хаёли паришон дегани эмас, бу мақсадли ҳаракат, унинг шакли ва йўналиши бор.

Инсон мuloҳаза қилганда бутун эътиборини бирон мавзуга қаратиб, унинг мағзини чақишига ҳаракат қиласи, кўзланган мақсадга эришиш учун фикр юритади.

Мuloҳаза шунчаки академик билимга эришиш учун бажариладиган машқ эмас. Мuloҳаза юритиш учун қизиқиш ва изланиш туйғуси даркор, мuloҳаза бизни янги поғоналарга кўтаради, руҳимизни янгилаб, феъл–авторимизни шакллантиради. У фойда ва мукофот келтиради.

Биз мuloҳаза қилганимизда янги информацияни тасниф қилиб, унга баҳо берамиз, мазмунини англаб олганимиздан кейин эса амалда қўллаш йўлларини қидириб, буни ўзимизга одат қилиб оламиз.

Мuloҳаза қилиши учун кўрсатмалар

Муқаддас Китобни ўрганиш гурухида “*Масиҳга ҳамроҳ бўлиши*” мавзусини ўтинг (65–бет). Кейин 8 ва 9–бетларда берилган “*Оятларни ёд олии бўйича маслаҳатлар: биринчи ҳафта*” бўлимини биргаликда қайта ўқиб чиқинг.

“Таврот китобида ёзилганлар тилингдан тушибасин, уларни битта қолдиримай бажариишинг учун кечаю кундуз улар ҳақида фикр юритишинг даркор. Шунда меваффақият учун ўзингга йўл ҳозирлайсан, шундагина ютуқларга эришасан.”
(Ёшуа 1:8) BERK таржимаси.

Ушбу дарс давомида сиз мuloҳаза қилишнинг икки усули билан танишиб оласиз (1 ва 2–усул 12–15–бетлар). Кейинги ҳафта учун бериладиган уй вазифаси тариқасида сиз мuloҳаза қилишнинг яна тўртта қўшимча усулини ўрганиб оласиз (3–6 усуллар, 16 ва 17–бетлар).

1–Ўзгача қилиб ифодалаш

Мuloҳаза қилишнинг биринчи усули бу — оятнинг мазмунини бошқача сўзлар билан ифодалаб ёзиш. Сиз оятни ўз сўзларингиз билан ифодалашга уринганингизда унинг мазмунини тўлиқроқ тушунасиз. Уни ўз сўзларингиз билан тушунтирганингизда сизга янги нарсалар очилади. Бу фоятда қизиқарли жараён.

13–бетда қолдирилган бўш жойга 2Тимўтийга 3:16 оятини ўз сўзларингиз билан ифодалаб ёзинг. Ёрдам тариқасида 12–бетдаги оятнинг турли таржималаридан фойдаланинг (Ифодангиз асл нусхадаги оятдан анчагина узун бўлиши мумкин).

“Муқаддас Битикларнинг ҳаммаси Худонинг илҳоми билан ёзилган бўлиб, таълим бериш, танбеҳ, тузатиш ва солиҳлик йўлига солиш учун фойдалидир.” (Кинг Жеймс таржимаси).

“Ҳар бир Муқаддас Ёзув илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, ўргатиш, хатоларни тузатиш, йўл–йўриқ кўрсатиш ва бошқаларга солиҳликни уқтириш учун манфаатлидир” (Йигирманчи аср Инжили).

“Ҳар бир Муқаддас Ёзувга Худонинг нафаси теккан, у таълим бериш, фош этиш, тузатиш, солиҳлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир” (Вест таржимаси).

“Ҳар бир Муқаддас Ёзув Худо томонидан илҳомланган бўлиб, таълим бериш, хатоларни фош этиш, камчиликларни тузатиш ва тўғри ҳаёт кечириш учун йўл–йўриқ кўрсатишга фойдалидир” (Бугунки Кун Инглиз таржимаси).

“Муқаддас Битикларнинг барчаси илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, диёнатни ўргатишга, хатоларни тузатишга, инсонни ҳақ йўлга солишга, тўғри ҳаёт ақидаларини амалда машқ қилдиришга кераклидир” (РН таржимаси).

“Ҳар бир Муқаддас Ёзувга Худонинг нафаси теккан, у илоҳий илҳом билан ёзилган. У йўл–йўриқ кўрсатишга, танбеҳ, бериш, гуноҳларни фош этиш, хатоларни тузатиш, итоаткорликни ўргатиш ва солиҳлик йўлида тарбия беришга фойдалидир. [Солиҳлик бу — муқаддас ҳаёт кечириш, ўй–хаёлларда, мақсадда ва юриш–туришда Худони мамнун қилиш дегани]. (AMP таржимаси).

“Бутун Муқаддас Китоб Худонинг илҳоми билан ёзилган бўлиб, ҳақиқатни ўргатишга ва ҳаётимизда нима нотўғри эканлигини кўрсатишга фойдалидир. У бизни тўғри йўлга солиб, ҳақ ишларни қилишимизга ёрдам беради.” (LB таржимаси).

“Муқаддас Битикларнинг барчаси Худонинг илҳоми билан ёзилган бўлиб, таълим бериш, хатоларни кўрсатиш, инсонларнинг ҳаётини бошқариш ва уларга тақводорликни ўргатишда ниҳоятда кўл келади”. (JB таржимаси).

“Муқаддас Битикларнинг ҳаммаси илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, таълим ва танбеҳ, бериш, тузатиш ва солиҳлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир.” (NASB таржимаси).

“Муқаддас Битикларнинг ҳаммаси Худонинг илҳоми билан ёзилган бўлиб, таълим бериш, йўлга солиш, тузатиш ва солиҳлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир.” (NIV таржимаси).

page 13

2Тимўтийга 3:16ни ўз сўзларингиз билан ифодаланг:

2–Саволлар берүү

Мулоҳаза қилишнинг иккинчи усули бу — ўзингизга оят бўйича саволлар бериш. Сиз икки хил саволлар беришингиз мумкин: ким, нима, қаерда, қачон ва қандай каби сўрек сўзлар билан бошланадиган саволлар ёки мулоҳаза қилганингизда ҳаёлингизга ногаҳон келиб қолган саволлар. Бу саволларга дарров жавоб топа олмаслигингиз мумкин, аммо машқ қилишни давом эттираверинг.

Ибронийларга 10:24–25 борасида мулоҳаза қиласиз, 15–бетда қолдирилган бўш жойга оятга боғлиқ бўлган саволларни ёзинг. Оятнинг мазмунига кўра: ким, нима, қаерда, қачон ва қандай каби сўзлар билан бошланадиган саволларни тузинг.

Ҳаёлингизга ногаҳон келиб қолган саволларни ҳам ёзишингиз мумкин. Оятларнинг қуидаги таржималари сизга бу машқни бажаришда ёрдам беради:

ИБРОНИЙЛАРГА 10:24–25нинг ТУРЛИ ТАРЖИМАЮ ИФОДАЛАРИ

“Бир-биримизга эътибор берайлик ва муҳаббатга, хайрли ишларга рағбатлантирайлик. Баъзиларнинг одатидек, йиғилишларимизни қолдирмайлик. Аксинча, *Раббимиз келадиган* куни яқинлашиб қолганини билиб, бир-биримизга яна кўпроқ далда берайлик.” (ИВТ таржимаси)

“Бир–биризига эътиборли бўлиб, бир–биризни меҳр–мухаббатга ва хайрли ишларга чорлайлик. Баъзи одамларга ўхшаб, йиғилишларимизни қолдирмайлик. Аксинча, Раббимизнинг келадиган куни яқинлашиб қолганини билиб, бир–биризига янада кўпроқ далда берайлик.” (ИВТнинг қайта ишланган таржимаси)

“Бир–бириңизни қандай севишимиз ва яхши ишлар қила олишимиз ҳақида фикр үоритайлик. Жамоат йиғилишларини қолдирмайлық, баъзи одамлар йиғилишга келмасликни ўзларига одат қилиб олганлар, биз шундай одамларга ўхшамайлик. Балки, ўша Кун яқинлашиб қолганини билиб, бир–бириңизга янада кўпроқ далда берайлик.” (NIV таржимаси)

“Худо бизга чексиз муруваттук күрсатди, шундай экан, энди биз ҳам эътиборли, меҳр-оқибатли ва ҳайрли ишларда садоқатли бўлишда бир–биримиздан ўзиди кетайлик. Баъзиларга ўхшаб, жамоатимиз йиғилишиларини қолдирмайлик, аксинча, бир–биримизга далда бериб, огоҳлантирайлик, айниқса ҳозир — Унинг келадиган куни яқинлашиб колганда шундай килайдик.” (ЛВ таржимаси).

“Келинглар, бир–биримизга нисбатан эътиборли ва ғамхўр бўлишга ҳаракат қиласлий. Бир–биримизда меҳр ва олийжаноблик ҳиссини уйғотиш, ҳамда ҳайрли ишларга рағбатлантириш йўлларини излайлик. Баъзи одамларнинг одатига тақлид қилиб, имонлилар йиғилишини қолдирмайлик. Аксинча, ўша Кун яқинлашиб қолганини билиб, бир–биримизга янада кўпроқ далда берайлик, огоҳлантириб, тўғри йўлга солайлик.” (AMP таржимаси).

“Биродарларга жон күйдириб, меҳр ва эзгу ишларимиз билан бир—биримизни ўзимизга жалб килайлик. Баъзи одамларга ўхшаб, жамоатдан ўзоқлашмайлик, аксинча, бир—биримизни жамоатга боришга ундейлик. Айниқса, улуф Кун яқинлашиб келаётганини билиб, ўзимизни шундай тутайлик.” (JB таржимаси).

Page 15

ИБРОНИЙЛАРГА 10:24–25–ОЯТЛАР БҮЙИЧА САВОЛЛАР

page 16

3-Ибодат

Үқиган оят ёки парча ҳақида Худога ибодат қилинг. Мен Римликларга 12-боб, 1-оят ҳақида ибодат қилганимда, қалбимга энг кўп таъсир қилган сўзлар қуидагича эди:

4-Үргүй берүү

Баъзи сўзлар ва сўз бирикмаларни бошқалардан ажратиб, уларга урғу бериш. Мен Юҳанно 15:7-оятдаги баъзи сўзларга урғу берганимда, ҳаёлимга келган энг яхши фикрлар қуидагича эди:

5–Мазмун жиҳатдан мос оятларни топиш

Юҳанно 14:21га мазмун жиҳатдан мос оятларни топиб, куйида ёзинг (одатда бундай оятлар китобнинг қуи қисмида, изоҳлар ёзилган жойда берилган бўлади):

Оятнинг манзили: _____ Оятнинг мазмуни: _____

Оятнинг манзили: _____ Оятнинг мазмуни: _____

page 17

6–Амалда қўллаш

Муқаддас Китобдан ўрганган ҳақиқатни амалда қўллашга ҳаракат қилинг.

“Филиппиликларга 4:6–7–оатларини мен ўз ҳаётимда қандай қўллашим мумкин?” деган саволга жавобни қуида ёзинг:

ИККИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

- Оятларни ёд олиши:* Иккинчи ҳафтага берилган кўрсатмаларни ўқиб, ўзлаштириб олинг (18–19 бетлар). “Ҳамма гуноҳ қилган” мавзусига оид Римликларга 3:23 ва Ишаё 53:6–оатларни ёд олинг.
- Сокин вақт:* Муқаддас Китобни ўқиши давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус бўлган жойларни белгилаб боринг.
- Мулоҳаза қилмоқ:* учинчидан олтинчигача бўлган мулоҳаза усулларини ўрганиб чиқиб, берилган топшириқларни бажаринг (16–17–бетлар). Мулоҳаза қилганингизда шошилманг, бу топшириққа етарлича вақт ажратиб, машқдан завқ олинг.
- Муқаддас Китобни ўрганиши:* “Масихда улғайиш” мавзусига оид дастлабки олтида саволга жавоб беринг. Бу мавзуу “Муқаддас Китобни ўрганиш” қисмининг биринчи бобини ташкил қиласди (66–68–бетлар).
- Қўшиимча мавзулар:* “Мулоҳаза гурухини олиб бориш учун кўрсатмалар”ни ўқиб, ўзлаштириб олинг (19–24 бетлар).

Page 18

ИККИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Икки гурухга бўлиниб, “Ҳамма гуноҳ қилган” мавзусига оид Римликларга 3:23 ва Ишаё 53:6–оатларни ёддан айтиб беринг. “Ўзлаштириш жадвали”нинг тегишли қисмини тўлдиринг.

2. Сокин вақт пайтида “Дастурни ўрганиши кундалиги”га ёзган фикрларингизни

гурухдагилар билан ўртоқлашинг.

3. 16 ва 17–бетлардаги учинчидан олтинчигача бўлган мулоҳаза усулларини гурухда муҳокама қилинг.
4. “Мулоҳаза гурухини олиб бориш учун кўрсатмалар” бўлимини кўриб чиқинг (19–24–бетлар).
5. “Масихда улғайиш” мавзусига оид дастлабки олтита саволни муҳокама қилинг. Бу мавзу “Муқаддас Китобни ўрганиш” қисмининг биринчи бобини ташкил қиласди (66–68–бетлар).
6. Учинчи дарс учун топшириқлар бўлимини ўқинг (24–бет).
7. Учинчи дарснинг *Муқаддас Китобни ўрганиш* қисмини олиб борадиган етакчиларни тайинланг.
8. Дарсни ибодат билан якунланг.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар

Бу мавзуни давом этишнинг вақти келди...

Учинчи босқичда ҳам сиз уч нарса билан ишлашингиз керак бўлади:

1. *Оятлар ёзилган варақалар* — “Масих ҳақида Хушхабар айтинг” мавзусига оид 12та оят. Сиз биринчи ва иккинчи босқичлар давомида оятларни солиш учун маҳсус бир халтачадан фойдалангансиз. Бу босқич давомида ҳам ўша халтачани ишлатинг. (Бу босқичда ёд оладиган оятларнинг ҳаммасини бирданига халтачага солманг. Уларни алоҳида, олишга қулай бўлган бир жойда сақланг.)
2. *Оятлар шарҳи* — сизга оятларнинг маъносини тушунишга ва уларни амалда қўллашга ёрдам беради.
3. *Ҳафталик режса* — дастур давомида қадамма–қадам муваффақиятга эришишингизга ёрдам бериб, оятларни ёд олиш жараёнига тартиб киритади.

Оятлар ҳақида

Б РУКНИ “МАСИХ ҲАҚИДА ХУШХАБАР АЙТИНГ” МАВЗУ

Исо Масихнинг гувоҳлари сифатида биз одамларга икки нарса ҳақида айта оламиз: ўзимиз имонга қандай келганимизни ва Масихнинг ҳаётимиздаги бўлган аҳамияти ҳақида, шунингдек Хушхабарнинг моҳияти ва Худонинг нажот режаси ҳақида. Хушхабарда инсоннинг чуқур эҳтиёжи, Худонинг инсониятга бўлган чексиз меҳри ва ўша эҳтиёжни қондириш учун қилган қурбонлиги акс эттирилган.

Мазкур руқнда ишлатилган мавзу ва оятлар Хушхабар айтишда катта ёрдам беради. Улар ёрдамида сиз Хушхабарни маҳорат билан айта оладиган бўласиз.

1–МАВЗУ: “ҲАММА ГУНОҲ ҚИЛГАН”

Бугунги кунда бутун жаҳон уруш, жиноят, ирқчилик ва зўравонлик каби катта муаммоларга дуч келган. **Page 19** Мутахассислар бу муаммоларни ечиш йўлларини қидирмоқда, бироқ муаммонинг негизи нимада эканлигини улар билишмайди. Исо эса муаммонинг келиб чиқишини шундай таърифлаган: “Асл муаммо — инсоннинг гуноҳкор қалбида. Зоро, инсон қалбидан ёмон фикрлар, зино, ўғирлик, қотиллик, фаҳш, очкўзлик, фосиқлик, маккорлик, шаҳват, ҳасад, тухмат, манманлик ва нодонлик чиқади.” (Марк 7:20–23). Инсон ҳеч қачон жамиятдаги муаммоларни еча олмайди. Уларни ечишнинг ягона йўли, Худонинг ташхисини қабул қилиб, барча ёмонликларнинг негизи гуноҳ эканлигини тан олишдир.

Римликларга 2:23да одамлар орасида ҳеч бир фарқ йўқлиги ҳақида сўз юритилади. Яхудийлар ҳам, ғайрияҳудийлар ҳам, ҳаммаси бирдай гуноҳ қилиб, солих ҳаёт кечира олмайдиган, Худони мамнун қила олмайдиган бўлиб қолишган.

Эслатма: Баъзи пайтлари оятнинг маълум бир қисмига ургу бериш учун, тўлик бўлмаган бир гапни ёд олишингизга тўғри келиши мумкин. Шу сабабдан сиз оятни ёд олаётганингизда унинг контекстига эътибор беринг.

Ишаё 53:6да ҳар бир инсон ўз хоҳиши билан Худодан юз ўгиргани ҳақида ёзилган. У Худога итоат қилишдан кўра, у ўз йўлидан кетишни афзал кўрган. Бу бутун инсониятга таалуқли (Римликлар 3:10–12га қаранг). Ҳар бир инсон гуноҳга ботган.

Ҳафталик режсангиз

1. Ҳафтанинг бошида варакалар солинган халтачангизни текширинг. А руқнига мансуб бўлган 12та оят ва “Масих билан янги ҳаётга қадам ташлаш” мавзусига оид 5та оят халтачанинг ичида бўлсин.
2. Энди Б руқнига оид иккита оятни (Римликларга 3:23 ва Ишаё 53:6) халтачанинг ташқи чўнтағига солинг. Б руқнига оид қолган оятларни эса алоҳида, қулай бир жойда сақланг.
Халтачанинг ҳар бир жойининг ўз мақсади бор. Халтачанинг ташқи чўнтағига ёд олинадиган янги оятлар, халтачанинг ички қисмига эса ёд олинган, аммо такрорланиши керак бўлган оятлар солинади.
3. Ҳар куни халтача ичидаги 17та оятни такрорланг (А руқни ва “Масих билан янги ҳаётга қадам ташлаш” мавзусига оид оятлар).
4. 1–Босқичдаги иш дафтарининг “Оятларни самарали тарзда ёдлаш” мавзусини ўқиб чиқинг (15–16–оятлар). Агар сизнинг гуруҳингиз якшанба кунлари йигилса, сиз биринчи оятни душанба ва сешанба кунлари давомида ёд олинг. Бунинг учун оятни қайта–қайта такрорлаб, онгингизга сингдиринг.
5. Иккинчи оятни чоршанба ва пайшанба кунлари ёд олинг, лекин биринчи оятни ҳам такрорлаб туришни унутманг. Жума ва шанба кунлари иккала оятни ҳам такрорланг.
6. Ҳафтанинг охирига келиб, ёд олган оятларингизни ёзинг ёки уларни бировга айтиб беринг.

Мулоҳаза гуруҳини олиб бориши учун кўрсатмалар

Учинчи босқич давомида сизлар мулоҳаза гуруҳини галма–гал олиб борасизлар. Қуйидаги кўрсатмалар ва қоидаларга риоя қилган ҳолда, сиз гуруҳни муваффақиятли олиб боришингиз мумкин.

Муқаддас Китобни ўрганишнинг мақсадлари:

1. Билиб олиш: Муқаддас Китобда нималар ёзилганини билиб олиш.
2. Тушуниш: Ҳақиқатни тушуниш ва содир бўлаётган воқеаларни бир–бирига боғлай олиш.
3. Амалда қўллаш: Ўрганиб олган нарсаларни ҳаётимга тадбиқ қилиш, уларни амалда қўллаш.

Гуруҳ етакчиси қатнашчиларга савол бериб, ҳақиқатни билиб олишларига **page 20** йўналтиради. Етакчи устоз эмас, у шунчаки гуруҳни бошқаради ва шу билан бирга ўзи ҳам кўп нарсани ўрганади. У саволлар орқали қатнашчиларга ҳақиқатни билиб олишга, тушунишга ва амалда қўллашга ёрдам беради.

МУҲИМ: бу ерда қўлланилган методикага кўра, гуруҳ аъзолари Муқаддас Китобни

парчаларга бўлиб ўрганишади. Ҳар бир парчанинг мавзуси ва иккита ёки ундан қўпроқ саволлари бор.

Қатнашчиларни дарсга қизиқтириш мақсадида уч турдаги саволлардан фойдаланиш мумкин. Бироқ муҳокама мавзудан четга чиқиб кетмаслигини етакчи назорат қилиб туриши даркор. Келинглар, бу уч турдаги саволларни, уларнинг кўлланилиши ва шаклини кўриб чиқайлик.

A. Етакчи фойдаланадиган уч турдаги саволлар

1. Умумий саволлар (Нималарни ўргандингиз?).

Агар Муқаддас Китобни ўрганиш қисмининг 1–бобини ўқийдиган бўлсак, бобнинг мавзуси “Масихда улғайиш” эканини кўрамиз (66–73–бетлар). Мазкур бобнинг дастлабки энг катта қисми “Етукликка интилиши” деб ном олган. Бу қисмда олтида савол ҳам берилган. Агар сиз гуруҳ етакчиси бўлсангиз, ҳар бир саволга алоҳида тўхталиб ўтирмай, умумий қилиб: “Сиз бу қисмда нимани ўргандингиз?” деган саволни берасиз. Сўнг 7–9–саволларга таяниб: “Бу қисмдан эса сиз нималарни билиб олдингиз?” деб сўрайсиз. Сўнг 10–14– саволлар ва ниҳоятда 15–16–саволлар учун умумий савол берасиз.

Умумий саволнинг шакли қуйидагича бўлади:

СИЗ(бу ерга ўқилган парчанинг мавзусини сўзма–сўз ёзинг) ҲАҚИДА

... НИМАЛАРНИ ЎРГАНИБ ОЛДИНГИЗ?

.... НИМАЛАРНИ БИЛИБ ОЛДИНГИЗ?

....НИМАЛАР СИЗГА ТАЪСИР ҚИЛДИ?

Биринчи бобга бериладиган умумий савол шундай кўринишда бўлиши мумкин: “Сиз Масихда улғайиш ҳақида нималарни ўрганиб олдингиз?”

Сиз умумий савол берганингизда қатнашувчилар ўтган мавзудан билиб олганларини айтишлари мумкин. Агар сиз юқорида берилган саволни гуруҳдагиларга берсангиз, кимдир 5–саволнинг жавобини, бошқа бирор эса 3–савол жавобини бериши мумкин. Умумий савол берилганда, қатнашувчилар айнан шу парчадан нималарни ўрганиб олганлари ҳақида гапиришади. Уларнинг жавоблари Муқаддас Китоб ва ўқилган парчага асосланган бўлади. [Page 21](#) Юқорида келтирилган шаклга қараб, сиз ҳар қандай мавзуга умумий савол тузишингиз мумкин.

2. Маънони тушиуни учун саволлар (Маъноси нима?)

“Маъноси нима?” деган савол, умумий саволнинг жавобига ҳам берилиши мумкин. Бундай саволларни тузишни сиз 5–босқичда ўрганасиз. Ушбу босқичда эса бу турдаги саволлар етакчилар учун тайёр ёзилган. Сиз гуруҳни бошқарганингизда, улардан фойдаланишингиз мумкин.

3. Амалда қўллаш учун саволлар (Ҳаётимга нимани тадбиқ қила оламан?)

Мазкур босқичдаги мавзуларнинг аксарият қисмida *амалда қўллаш саволлари берилган*. Ҳозир биз бу турдаги саволларни қисқача изоҳлаб ўтамиш. Бешинчи ва олтинчи босқичларда сиз бундай саволлар билан батафсил танишасиз. Амалда қўллаш саволлари тингловчиларни ўрганганди ҳақиқатни ҳаётда қўллашга ундейди. Бунинг учта йўли мавжуд:

- а. Эслаб қолиши. Мисол учун сиз муҳим бир таълимот, Худонинг хусусиятлари, Унинг ваъдалари, ҳокимиюти ҳақидаги оятларни ёдингизда тутмоқчи бўласиз. Бунинг учун шу оятларни ёд оласиз.

- b. *Бажарии.* Худони мамнун қилиш учун Унинг талабларини бажаришингиз мумкин: ёмон одатдан воз кечиш, салбий муносабатингизни ўзгартириш, Худонинг ваъдасини эълон қилиб, унга умид боғлаш каби ҳаракатлар.
- c. *Ишлатии.* Бошқа бирорвага ёрдам бериш учун ўрганган нарсангиздан фойдаланишингиз мумкин.

(Амалда қўллаш бир маротаба юз берадиган ёки доимий тарзда, хафталаб, ойлаб, йиллаб ишлатиладиган бўлиши мумкин).

Б. Муайян мавзуга оид умумий саволлар, маънони билиш ва амалий қўллаш учун саволларга кўрсатмалар.

Кўйида биринчи бобнинг “Масихда улғайиш” мавзусига оид умумий, маъноли ва амалий саволларига берилган қўрсатмалар:

Умумий савол (1–6 саволларни қамраб олади): “Дарс жараёнида сиз Масихда улғайиш ҳақида нималарни билиб олдингиз?”

Биринчи савол: Муқаддас Китобдаги қайси ояtlар Хушхабар ҳақида сўз юритади? Гурухдаги ҳар бир одам Хушхабар ҳақидаги бир нечта оятни топсин.

Иккинчи-б савол: “Жисмоний гўдак билан руҳий гўдакнинг ўхашаш томонлари нима?

Иккинчи-в савол: “Етуклик белгилари нима? Қандай одамни етук десак бўлади?”
Бу саволга жавоб берар экансиз, руҳий дунё билан чекланиб қолманг.

Учинчи савол: Эски табиатимизнинг қандай иллатлари бор? Янги табиатимизнинг қандай хислатлари бор? (гурухдаги одамларни икки қисмга ажратинг, бир қисм иллатларни ёзсин, иккинчиси хислатларни ёзсин)

Page 22

Тўртинчи савол: Гурухдаги бир нечта одам 4–д саволга ёзган жавобларини овоз чиқариб ўқиб беришсин.

Бешинчи савол: Гурухдаги бир одам бешинчи саволдан кейин ёзилган абзац ва рамка ичига олинган матнни овоз чиқариб ўқисин.

Олтинчи савол: Бир нечта одам бу саволга берган жавобларини ўқисин.
ЭСЛАТМА: Биринчи берилган савол умумий саволлар туркумiga киради. Бу савол 1–6–саволларни қамраб олади. Сўнг 2(I), 2(II) ва 6–саволлар маънони билиш туркумiga киради. Қолган саволлар эса қатнашчиларни қизиктириш учун берилган.

Муқаддас Китобни ўрганиш гурухини олиб борар экансиз, “Масихда улғайиш” мавзусига умумий савол беринг: “Дарс жараёнида сиз Масихда улғайиш ҳақида нималарни билиб олдингиз?” Шунда гурухдагилар бу саволингизга жавоб бериш учун, 1–6–саволларга берган жавобларини айтишни бошлайдилар.

Қатнашчиларнинг биронтаси саволингизга маъно туркумiga оид жавобни бермагунча сиз ҳам маъно туркумiga оид саволларни ишлатманг. Бордию, кимдир умумий саволингизга 2(I) саволининг жавоби билан жавоб қайтарса, демак, сиз ҳам юқоридаги кўрсатмаларда берилган 2(I) саволни беришингиз мумкин.

Саволга берилган жавобни кўриб чиққанингиздан сўнг, умумий саволингизни қисқа шаклида такрорланг: “Улғайиш ҳақида яна нималарни ўргандингиз?” Шунда қатнашчилар ўз жавобларини берадилар.

В. Гурух етакчисининг вазифалари

Гурух етакчиси Муқаддас Китоб ўрганишнинг ҳар бир мавзусини....

1. бошлайди,

2. йўналтиради ва
 3. хулоса чиқаради.
1. *Бошламоқ* (Гурухдаги мухокамага асос солмоқ). Бирор мавзу борасида мухокамани бошлаш учун гурухдагиларга умумий саволни беринг. Шунда қатнашчилар матндан тушуниб олганлари ҳақида сўз юрита бошлайдилар.
 2. *Йўналтирмоқ* (Мухокамани асосий мавзудан четга чиқмаган ҳолда олиб боринг). Сиз умумий савол берганингиздан кейин, қанташувчилар ўргангандарасалари ҳақида гапира бошлайдилар. Матннинг маъноси, аҳамияти, мухимлиги ва амалда кўллаши борасида янада чуқурроқ фикр юритиш учун маъно туркумига оид саволларни беринг.

Иложи борича, яна қўшимча саволлар тузинг. Матн борасидаги ёзувларингизни кўриб чиқинг, лекин ўзингизни чеклаб қўйманг. Олдиндан матннинг қайси қисмига урғу беришингизни қарор қилинг. Бу ҳақда ибодат қилиб, фикр юритинг. **Page 23** Эҳтимол, сиз ҳамма саволларга бирдай эътибор бермассиз, баъзиларини қолдириб кетиб, бошқаларига кўпроқ тўхталиб ўтarsиз. Бу ўзингизга ҳавола.

Ёдингизда тутинг, маъно туркумига оид саволларнинг асл моҳияти — қатнашчиларга ҳақиқатни чуқурроқ ва аникроқ очиб беришдан иборат. Мухокама натижасида қатнашчилар нафақат оятнинг мазмунини, балки унинг маъноси ва воқелик билан боғлиқлигини тушуниб олишлари даркор.

Маъно ва амал туркумига оид саволлардан ташқари сиз рағбатлантирувчи саволлар ҳам беришингиз керак. Бу турдаги саволлар мухокаманинг қизғин тарзда ўтишига ўз ҳиссасини қўшади. Мисол учун,

- “Раҳмат. Яна ким гапирмоқчи?”
- “Яна ким нима деб ўйлади?”
- “Ким ўртоқлашмоқчи?”
- “Ким қўшимча қилмоқчи?”

Рағбатлантирувчи саволлар бошқа саволлар орасида ишлатилиб, мухокаманинг тўхтаб қолишига йўл қўймайди.

Муқаддас Китобни ўрганишга эндиғина киришган даврингизда мухокамани бошлаш қийинроқ бўлади, шунинг учун рағбатлантирувчи саволлар бу даврда кўп кўлланилади.

3. *Хулоса чиқарии* (Мавзунинг мантиқий натижасини қисқача ифодалаб, кейинги мавзуга қўчишни ўз ичига олади)

Етакчи сифатида сиз қайси мавзуга қанча вақт ажратилишини ўзингиз ҳал қиласиз. Балки сиз баъзи мавзуларни тез кўриб чиқиб, бошқаларига батафсилроқ тўхталиб ўтишни лозим кўрарсиз. Бошқа мавзуга ўтишдан олдин, ўтилган мавзуга қисқа ва лўнда хулоса чиқаринг.

Мухокама давомида қатнашчилар баён қилган фикрларига хулоса чиқаринг, ўз фикрларингизга эмас. Мухокама давомида сиз ҳам фикрларингизни айтишингиз мумкин, чунки сиз ҳам қатнашувчи, ҳам етакчи ролида иштирок этяпсиз. Бироқ хулоса чиқариш ўрнига воизлик қилиб кетманг. Хулосангиз қисқа ва лўнда бўлсин.

Хулосадан кейин навбатдаги мавзуга ўтинг.

Г. Етакчининг ишини баҳолаши учун саволлар

1. Сиз дарсга тайёрландингизми?

2. Ўтиладиган мавзу билан етарли даражада танишдингизми? Дарсни эркин тарзда бошқара олдингизми?
3. Қатнашувчиларнинг эътиборини жалб қила олдингизми?
4. Кўп гапириб юбормадингизми?
5. Маъно ва рағбатлантириш туркумiga оид саволлардан фойдаландингизми?
6. Муҳокама ҳаммага қулай тарзда ўтдими?
7. Муҳокамада ҳамма қатнашдими?
8. Сиз бошқаларни йўналтиредингизми ёки улар сизни йўналтиришдими?
9. Базилар кўп гапириб, бошқалари кам гапиришдими?
10. Муҳокамани ўз вақтида тугатдингизми?

Page 24

Д. Муҳокама гуруҳини олиб бориши учун насиҳатлар

1. Гурухдаги ҳеч ким маъно туркуmiga оид жавобни бермасидан олдин, ўша туркуmga оид саволни берманг. Мисол учун, сиз 5–савол борасида муҳокама бошламоқчисиз. Биринчи навбатда гуруҳнинг бирон аъзосига айтинг, у 5–саволга ёзган жавобини овоз чиқариб ўқисин, шундан кейингина сиз бу оят борасида маъно туркуmiga оид саволларингизни беришингиз мумкин.
2. Берган саволларингиз матнга зид бўлиб қолмасин. Сиз тайёр саволлардан фойдалансангиз ҳам, уларни муҳокамага мос тарзда ўзгартиринг.
3. Ҳеч ким саволга жавоб бера олмаса, ташвишланманг. Сабрсизлик қилманг, асабийлашманг. Одамларга ўйлаш учун вақт беринг.
4. Ўзингизни етакчилик вазифаси билан чеклаб кўйманг. Ёдингизда туting, сиз ҳам қатнашувчи, ҳам етакчисиз. Ўз фикрларингиз ва ўрганган нарсаларингизни айтинг, лекин бошқаларга ҳам кўпроқ имконият беринг.
5. Вазиятга қараб, саволларни бирлаштиришингиз мумкин. Ҳар доим фақат бир хил савол берманг.
6. Мулоҳазани қаттиқ назорат қилаверманг, эркинлик ҳам беринг. Агар мавзуу умуман бошқа томонга бурилиб кетса, уни тўхтатиб, туғри йўналишга бошланг.
7. Гурух машғулоти қай тарзда ўтишини хоҳлар эдингиз? Бу ҳақда гуруҳ аъзоларига айтинг. Ҳозир гурухни сиз бошқаряпсиз. Шунинг учун ким ибодат қилишини, ким жавоб беришини, қандай кетма–кетлик қўлланилишини, мавзуга қайтишини буюришдан чўчиманг.
8. Гурухдагилар мавзудан четлашиб кетганларида иккиланмасдан уларни тўхтатинг. Етакчи тўла ҳаққоний қатнашувчидир, шунинг учун у маҳокамада юз фоиз қатнашиши лозим.
9. “Ҳа” ёки “йўқ” деб, жавоб бериладиган саволларни қўлламанг. Бундай саволлар муҳокамани сусайтиради. “Қандай” ва “нима учун” сўроқлар билан бошланадиган саволлардан фойдаланинг. “Ким?”, “Нима?”, “Қаерда?” ва “Қачон?” каби саволлар ҳам муҳокамага ўз хиссасини кўшади.
10. Мураккаб саволларни берманг. Саволингиз осон ва тушунарли бўлсин.
11. Ўзингизга очилган ҳақиқатни ҳадеб таъкидлайверманг. Чунки сизга ҳақиқатнинг бир томони очилган бўлса, бошқаларга бошқа томони очилади. Ҳамманинг гапиришга имконияти бўлсин.

УЧИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш*: Учинчи ҳафтага берилган кўрсатмаларни ўқиб чиқинг (25–26–бетлар). “Гуноҳ учун жазо” мавзусига оид Римликларга 6:23 ва Ибронийларга 9:27–оятларни ёд олинг.
2. *Сокин вақт*: Муқаддас Китобни ўқиши давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус бўлган жойларни белгилаб боринг.
3. *Мулоҳаза қилмоқ*: 7–20–саволларга жавоб беринг, “Масиҳда улғайиш” мавзуси борасидаги *Хулоса* билан танишиб чиқинг (68–73–бетлар).
4. Гувоҳлик бериш: Тўрт дақиқа ичидаги гувоҳлигинизни беринг, ёзувлардан фойдаланманг.

Page 25

УЧИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Икки гурухга бўлиниб, “Гуноҳ учун жазо” мавзусига оид Римликларга 6:23 ва Ибронийларга 9:27–оятларини такрорланг (Ўзлаштириш жадвалининг тегишли жойларини тўлдиринг).
2. Сокин вақт пайтида “Дастурни ўрганиши кундалиги”га ёзган фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. “Масиҳда улғайиш” мавзусига оид 7–20–саволларга берган жавобларингизни муҳокама қилинг (68–73–бетлар).
4. Ҳар бир гурӯҳ етакчисининг иши қисқача баҳоланади.
5. Ҳар бир қатнашувчи тўрт дақиқа ичидаги ўзининг шахсий гувоҳлигини айтади.
6. *Тўртинчи дарс учун топшириқлар* бўлимими ўқинг (27–бет).
7. Тўртинчи дарснинг *Муқаддас Китобни ўрганиши* қисмини олиб борадиган етакчиларни тайинланг.
8. Дарсни ибодат билан якунланг.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар

Оятлар ҳақида

2–МАВЗУ: “Гуноҳ учун жазо”.

Ҳар бир инсон гуноҳкор ва ўз гуноҳи учун оғир жазога маҳкум қилинган.

Римликларга 6:23да Павлус: “Гуноҳнинг эвази — ўлим”, деб айтган. Ҳаммамиз бир кунмас бир кун жисмонан ўламиз, бироқ руҳан ҳаммамиз аллақачон ўлиб бўлганмиз. Руҳий ўлим бу — Худодан айрилиш дегани. Шу сабабдан кўп одамлар Худонинг борлигига икрор бўлишса ҳам, У билан алоқалари йўқ. Чунку уларни Худодан улкан, ўтиб бўлмайдиган жарлик ажратиб турибди. Бу жарлик гуноҳ натижасида пайдо бўлган.

Худо севгидир, аммо шу билан бирга У ҳам адолат Худосидир. У одил ва муқаддас бўлгани учун гуноҳга тоқат қила олмайди. Шунинг учун гуноҳни маҳкум этади. Муқаддас Китобда бу ҳақда шундай ёзилган: “Худонинг Ўёлига ишонган ҳар бир одам абадий ҳаётга эга бўлади. Ўёлни рад этган одам эса ҳаёт кўрмай, Худонинг ғазаби остида қолади.” (Ибронийчадан сўзма–сўз таржима: Худонинг ғазаби унинг боши остида осилиб туради) (Юҳанно 3:36). Бизга бу сўзлар ёқмаслиги мумкин, бироқ Худо бошқа мавзулар ҳақида гапиргандай, хукм мавзуси ҳақида ҳам кўп гапиради. Биз буни билишимиз керак.

Ибронийлар 9:27да ёзилишича, ҳар бир инсон ўлиб, хукм қилинади. Масиҳни танимаган одам бундай синовдан ўта олмайди. Ҳар бир одам ўзи учун Худога хисобот беради.

(Бу оятнинг мавзуси кейинги оятда давом этади, лекин биз фақат ана шу 27–оят билан чекланиб қоламиз).

Ҳафталик режангиз

1. Римликларга 6:23 ва Ибронийларга 9:27–оятлар ёзилган варакаларингизни халатачанинг ташқи чўнтағига солиб қўйинг.
2. Билган оятларингизни ҳар куни қайтаринг, янги оятларни ёд олинг. [Page 26](#)
Дастлаб биринчи оятни ёдланг, сўнг иккинчисига ўтинг.
3. Оятлар солинган халтачани доим ёнингизда олиб юринг ва бўш вақтингизда оятларни тақорранг.
4. Ҳафтанинг охирига келиб, ўзингизни текшириш учун ёд олган янги оятларни ёзинг ёки кимгадир айтиб беринг.

Гурух етакчилари учун қўлланма: “Масиҳда улгайши” мавзусига оид саволларга кўрсатмалар

(Бу бўлимдан фақат гурух етакчиси фойдалансин)

2–қисм: Имон йўлида илк қадам

(7–9–саволлар) “Имон йўлида илк қадам” мавзусидан нималарни ўрганиб олдингиз?
Сизга энг кўй таъсир қилган нарса нима бўлди?

(7–савол) Гуруҳдагилардан илтимос қилинг, бир нечта одам бу саволга ёзган жавобларини ўқиб берсин.

(8–савол) “Сакқизинчи саволга қандай жавоб ёздингиз?” Сиз ўз жавобингизни ҳаммага ўқиб беришингиз мумкин, бошқа бир нечта қатнашувчи ҳам ўз жавобларини ўқиганларидан сўнг, сиз ёритилмаган мисолларни қўшимча қилиб келтиришингиз мумкин.

(9–савол) Саққизинчи саволни қай тарзда муҳокама қилган бўлсангизлар, бу савол учун ҳам худди шу усулни қўлланг.

3–қисм: Ўсиш жараёни

(10–14–саволлар) “Ўсиш жараёни” борасида сиз нималарни ўрганиб олдингиз?”

(10–савол, Салоникаликларга 2:11) “Ота–бала орасидаги намунали муносабатни қандай таърифлаб бера оласиз?”.

(Итимўтийга 4:8) “Машқ ва тарбия сўзлари қандай маънони англатади, нима деб ўйлайсиз?”

(Ибронийлар 5:13–14) “Қачон инсон руҳий “сутдан” “қуюқ овқатга” ўта олади?”

(1Бутрұс 2:2–3) Сизнингча “Раббимизнинг муруватини татиб кўрдингизлар” деган сўзлар, сизнингча, қандай маънони англатади?

Бир нечта одам 10–саволнинг охирги қисмига берган жавобларини овоз чиқариб ўқиб берсин.

(11–савол) Оқланмоқ сўзига қандай маънодош сўзлар ва иборалар бор?

Қатнашувчиларнинг бир нечтаси бу саволга ёзган жавобларини ўқиб берсинлар.

(12–а савол) “Гуноҳ олдида ўлик бўлмок” деган сўзлар, қандай маънони ифодалайди? “Масиҳ туфайли Худога шухрат келтириб яшамок”, деган сўзларни нима деб тушундингиз?

(12–б савол) “Гуноҳ фоний таналарингиз устидан ҳокимлик қилмасин”, деган гапнинг маъноси нима?

(14–а савол) “Биз Худонинг ижодимиз”, деган сўзларни қандай тушундингиз?

4–қисм: Яшаш ҳақида

5. Муҳим масалаларни амалга оширишда бардош ва қатъиятлик зарурлигини тан олган ҳолда, *Худонинг инояти ва баракати* бизга кераклигини ҳам айтиб ўтишимиз жоиздир. Зеро “Биздан харакат, Худодан баракат” деб, ота–боболаримиз бежиз айтишмаган (2Коринфликларга 3:5, Юҳанно 15:5 ва Закариё 4:6 га қаранг).

6. Ёқуб китобига кўра, биз бирон нарсани режалаштирганимизда, шундай сўзлар айтишимиз керак экан: “Эгамиз хоҳласа, соғ–саломат бўлсак, уни ёки буни қиласмиз” (Ёқуб 4:13–16 га қаранг). Худонинг ҳам биз учун режалари бор, баъзи пайларда биз бундан ҳаттоқи бехабар бўлишимиз ҳам мумкин. Ишаё 55:9 да шундай деб ёзилган: “Осмон ердан қанчалик баланд бўлса, Менинг ўйларим ҳам сизларнинг ўйларингиздан шунчалик баланддир.” Шунинг учун, бошингизга кулфат келганда кўнглингиз ҳеч чўқмасин, ҳар қандай вазиятда ҳам Худога бўйсуниб, Унга шукр қилинг (Римликларга 8:28, Забур 113:11).

7. Бошқа томондан, *агар биз одамларга имконият берсак улар ҳаётимизни бошқаришини бошлайдилар*. Одамлар ҳатто Исони ҳам бошқаришга ҳаракат қилганлар (Луқо 4:42–44), лекин Исо уларга бўйсунмади. У: “Мен Худо Шоҳлиги тўғрисидаги Хушхабарни бошқа шаҳарларда ҳам эълон қилишим керак, Мен шу мақсадда юборилганман”, — деб жавоб берди. **Page 50** Худонинг иродасини билган инсон бирорларнинг яхши ниятли гапларига кирмайди, у юмшоққина рад жавобини бера олади.

8. Худонинг ҳаётимиз учун бўлган иродасига таянган ҳолда биз доим мақсадларимизни баҳолашимиз ва қандай қарор чиқаришимизга эътибор беришимиз даркор. Одатда, инсоний табиатимиз бизни мақсадларимиздан узоқлаштиради. *Худо билан яrim кун ўтказишими*, ҳаётимизнинг йўналишини тўғрилашга бизга ёрдам беради.

9. Ҳозирги замонда биз бажаришни истаган ҳамма нарсаларни амалга ошириш — кўпинча имкониятсиз масала. Режа бўйича иш тутишингиз, сиз ҳамма нарсани қилишга улгурасиз, дегани эмас. Лекин сиз қилинадиган энг муҳим масалаларни бажара олишингиз мумкин. Исо шундай деган: “Сен Менга топширган вазифани Мен адо этиб, ер юзида Сени улуғладим” (Юҳанно 17:4). Исо бунданда кўпроқ ишларни бажариши мумкин эди, бироқ У биринчи ўринда Худонинг топширган вазифасини бажаришни афзал кўрди. Келинглар, биз ҳам Исодан ўrnak олайлик, Худонинг биз учун белгилаган вазифаларини бажариб, қилишга улгурмаган нарсаларни Унинг қўлига топширайлик.

ХУЛОСА

Кўпинча биз муҳим деб билган масалаларимиз худбин истакларимизга асосланган бўлади. Шу сабабдан бизнинг муҳим деб билган масалаларимиз Худонинг режасига умуман тўғри келмайди, чунки Худонинг режасига амал қилиш биздан қурбонликни талаб этади.

Худо сизнинг ҳаётингизда биринчи ўринни эгаллашини хоҳлайсизми? У ҳолда сиз умрингизни Худонинг иродасини, Унинг хоҳиши ва режасини билишга бағишлишингиз керак. Муваффакиятсизликка дуч келганингизда кўнглингиз чўқмасин, аксинча қилган ишингизни баҳоланг. Ҳар куни яrim соат вақтингизни

ибодатга ва мулоҳазага бағишлианд. “Энг аввало Худонинг шоҳлиги пайида бўлинглар”, деган илоҳий амрни доим ёдингизда тутинг.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиши:* Тўққизинчи ҳафтага берилиган кўрсатмаларни ўқиб чиқинг (51-бет). “Абадий ҳаётга ишонч” мавзусига оид биринчи оят — 1Юҳанно 5:13ни ёд олинг.
5. *Сокин вақт:* Муқаддас Китобни ўқишини давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус бўлган жойларни белгилаб боринг.
6. *Муқаддас китобни ўрганиши:* Тўртинчи бобнинг “Худонинг иродасини билиш” мавзусига оид 1–7–саволларга жавоб беринг.
7. *Гувоҳлик:* Дарсга гувоҳлик беришга тайёр бўлиб келинг. Гувоҳлик беришингиз учун 4 дақиқадан камроқ вақт ажратилади, ёзувлардан фойдаланиш тақиқланади.
8. *Кўшимча мавзулар:* “Муҳим масалалар” мавзусининг 2–қисмини ўқиб, уни муҳокама қилишга тайёр бўлиб келинг (53–54–бетлар).

Page 51

ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гурухларга бўлиниб, “Абадий ҳаётга ишонч” мавзусига оид биринчи оятни, яъни 1Юҳанно 5:13ни ёддан айтиб беринг.
2. Сокин вақт пайтида “Дастурни ўрганиши кундалиги”га ёзган фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Аёл ва эркакларни алоҳида гурухларга ажратинг. Тўртинчи бобнинг “Худонинг иродасини билиш” мавзусига оид 1–7–саволларга берган жавобларингизни гурухларда муҳокама қилинг (89–91–бетлар).
4. Ҳар бир гурух етакчисининг ишини қисқача баҳоланг.
5. Бир одамга имконият беринг, у ўз гувоҳлигини тўрт дақиқадан камроқ вақтда айтсин, ёзувларидан фойдаланмасин.
6. “Муҳим масалалар” мавзусининг 2–қисмини муҳокама қилинг (53–54–бетлар).
7. *Ўнинчи дарс учун топшириқлар* бўлимими ўқинг (54–бет).
8. Дарсни ибодат билан якунланг.

Оятларни ёд олиши бўйича кўрсатмалар — тўққизинчи ҳафта

Оят ҳақида

6–МАВЗУ: АБАДИЙ ҲАЁТГА ИШОНЧ

Заиф пойдевор устига мустаҳкам бино қуриб бўлмайди. Нажот топганига қатъий ишонмаган имонли киши ҳам руҳий етуклика эриша олмайди. Баъзи масихийлар абадий ҳаётга эга ёки эга эмасликларини аниқ билмайдилар. Бошқалари факат туйғуларига асосланиб “абадий ҳаётга эгаман”, деб айта оладилар. Бу иккала ҳолат ҳам заиф пойдевор бўлиб хизмат қиласди. Биз абадий ҳаётга эгамиз, буни аниқ билишимизни Худо истайди. 1Юҳанно 5:13. Юҳаннонинг бу мактубни ёзишидан мақсад — масихийларга “сизлар абадий ҳаётга эгасизлар”, деб айтишдир. У буни очиқдан очиқ тан оляпти.

Бунга қандай амин бўлишимиз мумкин? Биринчи далил бу — қалбимиздаги Худони мамнун қилиш хоҳиши, чунки бу ўз ютуғимиз эмас, балки юрагимизда макон курган Муқаддас Рӯҳнинг ишидир. Масихдаги янги ҳаётимизнинг иккинчи далили бу — Муқаддас Китобни ўқишига, ибодат қилишига, биродарларни кўришига ва Хушхабар

айтишга мойиллигимиз. Бироқ бу далилларнинг ҳаммаси Муқаддас Китобдаги Худонинг ваъдасига асосланган.

Ҳафталик режсангиз

1. 1Юҳанно 5:13 ва Юҳанно 5:24 ёзилган варақаларни оятлар солинадиган халтачанинг ташқи чўнтағига солинг. Бу ҳафта давомида сиз фақат 1Юҳанно 5:13 ни ёд оласиз.
2. Бу ҳафта битта оятни ёд олар экансиз, билган оятларингизни бўш пайттингизда такрорлашни унутманг.
3. Ёд оладиган оятнинг мағзини чақинг, уни ҳаётингизга татбиқ қилиш йўллари борасида мулоҳаза қилинг. Бу вазифани бажаришда ёрдам берадиган кўрсатмаларни 11–17–бетлардан топишингиз мумкин.
4. Ўзингизни текшириш учун ёд олган оятингизни ёзинг ёки бировга ёддан айтиб беринг.

Page 52

Гуруҳ етакчилари учун қўлланма: “Худонинг иродасини билиш”

мавзусига оид саволларга кўрсатмалар

(Бу бўлимдан фақат гуруҳ етакчиси фойдалансин)

Тўртинчи бобнинг бошидаги парчани кимдир овоз чиқариб ўқисин.

1–қисм: Худо ўз иродасини аён этади

(1–5–саволлар) Худонинг иродаси хақида нималарни билиб олдингиз?

(1–савол) Худонинг иродасини англаб олишга қанча вақт керак бўлади?

(3–савол, 1Салоникаликларга 4:3) “Муқаддас бўлмоқ” деганда сиз нимани тушунасиз? (Бу саволга жавоб бера олишингиз учун 68–бетдаги жадвални қайта кўриб чиқсангиз бўлади).

(1Салоникаликларга 5:18) Бошингизга кулфат тушганда ёки қийин пайтда сиз Худога чин юракдан шукроналар айта оласизми? Нима деб ўйлайсиз?

(1Бутрус 2:15) Сизнингча, нодон одамлар ким? Танишларингиз орасида шундайлар борми?

(4–савол) Забур китобининг ўзбек тилига қилинган янги таржимасида 39–сано 9–оятда шундай ёзилган “Сенинг хоҳишингни адо этишдан завқ оламан”. “Завқ” сўзини яна қандай сўз ёки ибора билан ифодаласа бўлади?

“Сенинг Қонунинг юрагимда менинг”, деган сўзлар Каломни ёд олишга ишора қиляптими ёки бошқа бир маъно беряптими?

(5–савол) Кимдир Паул Литлнинг сўзларини овоз чиқариб ўқисин. Сўнг бошқа бир киши охирги парчани ўқисин.

2–қисм: Қарор чиқариш хақида қоидалар

(Эътибор беринг: бу қисм ўчта бўлимдан иборат. Ҳар бир бўлимда “Қарор чиқариш” хақида сўз юритилиб, алоҳида қисм сифатида кўриб чиқилади).

Кимдир 6–саволдан олдин келган парчани овоз чиқариб ўқиб берсин.

(6–7–саволлар) Муқаддас Китобдан қарор чиқариш хақида нималарни ўрганиб олдингиз?

(6–савол, Матто 6:33) “Худонинг шоҳлиги пайида бўлган” инсон амалда нималар қиласи? Мисоллар келтиринг.

(Матто 28:18–20) Хушхабар айтиш “Худонинг иродасини қидириш”га қандай боғланган?

Янги имонга келган масиҳийларга таълим бериб, Раббимизнинг сўзларига амал қилишни ўргатишимиз бу мавзуга қандай боғланган?

(**1Бутрус 1:15**) Қандай қилиб сиз юриш–туришингизда муқаддас бўлишингиз мумкин?
Мисоллар келтиринг.

(**2Бутрус 3:18**) “Масиҳнинг иноятига таяниш” деганда, нимани тушунасиз?

Қандай қилиб Худони янада яқинроқ таниб–билиш мумкин?

Кимдир бу саводдан кейин ёзилган парчани овоз чиқариб ўқиб берсин.

(**7–савол**) Бир нечта қатнашувчи тузган ҳамма саволларини ўқисин.

“Шунинг учун беақл бўлманглар, балки Раббимизнинг иродаси нима эканлигини англашга ҳаракат қилинглар.”

— Эфесликларга 5:17

Мұхим масалалар —2-қисм

(Ҳамма қатнашувчилар бу мавзуни муҳокама қилишда иштирок этишлари шарт)
Агар сиз бўйдок бўлсангиз, Худо бу дунёда бажармоқчи бўлган улуғ ишга катта ҳисса қўшишингиз мумкин.

Жаҳонда вояга етган аҳолининг катта қисмини ҳозирги кунда бўйдоклар ташкил қиласди. Бўйдоклар оилали одамларга қараганда, Худонинг ишига кўпроқ вақт ажратади. Улар учун сафарга чиқиш ва хизматга бағишини осонроқ кечади. Руҳий ривожланиш ва ўз устидан ишлаш учун уларнин имконияти кўпроқ. Бироқ боласини ёлғиз ўзи ўстираётган ота ёки онага булар таалукли эмас.

Бўйдоклик даврингизни донолик билан кечиринг! Худо сизни қандай инсон бўлишингизни хоҳласа, шундай инсон бўлишга ҳаракат қилинг. Масих учун дунёни забт этинг. Ким билсин, балки бир кун келиб, Худо сизга муносиб жуфти ҳалолингизни берар ёки сиз ҳаётингиз давомида бўйдок қолиб, астойдил Унга хизмат қиласиз. Сизнинг вазифангиз ҳар қандай шароитда ҳам чин юракдан Худога эргашибдан ва келажагингизни Унга ишониб топширишингиздан иборат.

ХУДО УЧУН МУҲИМ НАРСАЛАР

“Мен сизларнинг ташвишсиз бўлишингизни истайман. Бўйдокнинг асосий ташвиши Раббимизни мамнун қилиш, Унинг ишлари билан машғул бўлишдир. Уйланган киши эса хотинини мамнун қилиш ниятида дунёвий ишлар ҳақида қайғуради” (1Коринфликларга 7:32–33).

Ҳар бир имонли кишининг ҳаётида, у бўйдок ёки оилали бўлишидан қатъий назар, Худо биринчи, устивор ўринни эгаллаши керак. Е. М. Боунднинг доно бир гапи бор, унда шундай дейилган: “Худога оз миқдорда бағишингизни инсон, Унга кўп хизмат қила олмайди”. Боунд бу гапида Худога муҳим ўрин ажратиш кераклигини назарда тутган. Худо билан вақт ўтказишимизнинг сабаби — катта хизматга эга бўлиш эмас, аксинча, Унинг хузуридан завқ олишдир. Зоро, “Ота шу йўсунда Ўзига сажда қилувчиларни излайди” (Юҳанно 4:23). Биз Худонинг хузурида бўлганимизда У каби муқаддас бўлиб борамиз ва ҳаётимизда Худо борлиги атрофимиздаги одамларга ҳам кўринади. Ҳаворийлар 4:13даги воқеа бунга мисол бўлиб хизмат қиласди: “Кенгаш аъзолари Бутрус билан Юҳаннонинг жасоратини кўрдилар ва уларнинг ўқимаган, оддий одам эканликларини билиб, ҳайрон қолдилар. Бутрус билан Юҳанно Исонинг шериклари эканини англадилар.”

Кундалик сокин вақтингиздан ташқари ҳам Худонинг хузурига киринг, У билан кўпроқ вақт ўтказишига ҳаракат қилинг. Худонинг Каломини ўрганинг, оятларни ёд олинг, илохий ҳақиқат қалбингизда чукур ўрнашсин. Илохий ақидаларни кундалик ҳаётингизда

кўллашингиз учун Худодан донолик сўранг. Худонинг ҳақиқати бўйича яшар экансиз, Худо сизни Ўзининг кучли қуроли қилиб ишлатади, хизматингизни яшнатади. Керакли пайтда сиз орқали одамларнинг ҳаётларини ўзгартиради.

ХУДОНИНГ НИЯТИНИ АНГЛАБ ОЛИНГ

Биринчи навбатда ва мунтазам тарзда Худо билан вақт ўтказинг. Сўнг Худонинг иродасини билишга интилинг. Бўш вақтингизда нима билан шуғулланишингизни Худо хоҳлайди, шуни билишга ҳаракат қилинг.

Одатда хафтанинг 40 соатини сиз ишхонада ўтказасиз. Ишхонадаги вақтингизни хушчақчақ ўтказиб, ундан завқ олинг, ҳеч нолиманг. Қолган бўш вақтингизни нимага бағишлишингизни ўйланг. Ишингизни “аъло ва жадал тарзда” бажаришга вақт сарфлайсизми? Ёки қўшимчи иш қидирасизми? Эски дўсту биродарлар билан вақт ўтказасизми? Ёхуд ота–она, ёру биродарларга хатлар ёзиш, қўнғироқ қилиш, кўргани бориш билан бир қаторда, Худонинг хизматини ҳам қиласизми?

Сиз ўз устингизда ишлаб, яна қанча қўшимча маълумот олишингиз керак? Дўстларга, қўни–қўшни ва синфдошларга қанча вақт ажратишингиз керак? Қанча вақтингизни хизматга бағишлишингиз керак? Чарчаб йиқилиб қолмаслигингиз учун қанча вақтни дам олишга ажратишингиз керак? Буларни ҳал қилишга Худонинг Ўзи сизга ёрдам беради. Бунинг учун ибодат қилинг ва режа тузинг. Сўнг ҳисобот ҳам олиб боринг.

Сиз Худонинг ишончли хизматкори бўлишингиз мумкин! Бўйдоқлик даврингизни донолик билан ишлатинг.

ЎНИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

- Оятларни ёд олиши:* Ўнинчи ҳафтага берилган кўрсатмаларни ўқиб чиқинг (55–бет). “Абадий ҳаётга ишонч” мавзусига оид иккинчи оят — Юҳанно 5:24 ни ёд олинг.
- Сокин вақт:* Муқаддас Китобни ўқишини давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус бўлган жойларни белгилаб боринг.
- Муқаддас китобни ўрганиши:* Тўртинчи бобнинг “Худонинг иродасини билиш” мавзусига оид 8–19–саволларга жавоб беринг (91–95–бетлар).
- Гувоҳлик:* Дарсга гувоҳлик беришга тайёр бўлиб келинг. Гувоҳлик беришингиз учун 4 дақиқадан камроқ вақт ажратилади, ёзувлардан фойдаланиш тақиқланади.
- Қўшимча мавзулар:* “Муҳим масалалар” мавзусининг 3–қисмини ўқиб, уни муҳокама қилишга тайёр бўлиб келинг (57–60–бетлар).

Page 55

ЎНИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

- Гуруҳларга бўлиниб, “Абадий ҳаётга ишонч” мавзусига оид иккинчи оятни, яъни Юҳанно 5:24 ни ёддан айтиб беринг.
- Сокин вақт пайтида “Дастурни ўрганиши кундалиги”га ёзган фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
- Аёл ва эркакларни алоҳида гуруҳларга ажратинг. Тўртинчи бобнинг “Худонинг иродасини билиш” мавзусига оид 8–19–саволларга берган жавобларингизни ва тўлдирган жадвалларингизни гуруҳларда муҳокама қилинг (91–95–бетлар).
- Ҳар бир гуруҳ етакчисининг ишини қисқача баҳоланг.
- Бир одамга имконият беринг, у ўз гувоҳлигини тўрт дақиқадан камроқ вақтда айтсин, ёзувларидан фойдаланмасин.

6. “Мұхим масалалар” мавзусининг 3–қисмини мұхокама қилинг (57–60–бетлар).
7. Үн бириңчи дарс учун топшириқтар бўлимини ўқинг (60–бет).
8. Үн бириңчи дарсни олиб борадиган етакчини тайинланг.
9. Дарсни ибодат билан якунланг.

Оятларни ёд олиши бўйича кўрсатмалар — тўққизинчи ҳафта

Оят ҳақида

6–МАВЗУ: АБАДИЙ ҲАЁТГА ИШОНЧ

Биз туғилган пайтимизданоқ севгига, ғамхўрликка ва меҳрға муҳтож бўламиз. Ўша нарсаларга эга эканлигимизга тасдиқ қидириб, ишонч ҳосил қиласиз. Биз Исо Масиҳни Нажоткор сифатида қабул қилганимизда абадий ҳаётга эга бўлдик. Бунга амин бўлиб, ишонишимизни Худо хоҳлайди.

Юҳанно 5:24. Бу оядта Исо бизга шундай дейди: “Сизларга чинини айтай: Менинг сўзларимни тинглаган ва Мени Юборганга ишонган киши абадий ҳаётга эгадир.” Биз бу абадий ҳаётга ҳозирданоқ эгамиз. Худо бизни гуноҳларимиз учун ҳукм қилмайди, чунки биз Масиҳни қабул қилган заҳотимиз руҳий ўлимдан ҳаётга ўтганмиз. Нажотга ишонишимизнинг бирламчи асоси — Худонинг бу ҳақда айтган сўзиидир.

Ҳафталик режсангиз

1. Юҳанно 5:13 ни такрорланадиган оятларнинг олдига — халтачанинг ичига солинг. Юҳанно 5:24ни эса халтачанинг ташқи чўнтағида қолсин.
2. Сиз бу ҳафта давомида Юҳанно 5:24 ни ёд оласиз. Билган оятларингизни бўш пайттингизда такрорланг.
3. Ҳозир халтачангизда 29 та оят бор. Агар сиз оятларни ўз вақтида ёдлаган бўлсангиз, уларни ҳар куни такрорлашга қийналмайсиз.
4. Ўзингизни текшириш учун ёд олган оятингизни ёзинг ёки бировга ёддан айтиб беринг.

Page 56

Гуруҳ етакчилари учун қўлланма: “Худонинг иродасини билиши”

мавзусига оид саволларга кўрсатмалар

(Бу бўлимдан фақат гуруҳ етакчиси фойдалансин)

***2–қисм: Қарор чиқариш ҳақида қоидалар* (давоми бор)**

Бир киши 8–саволдан олдинги парчани овоз чиқариб ўқисин.

(8–13–саволлар) Қарорлар чиқаришда Худога итоаткор бўлиш ҳақида нималарни ўрганиб олдингиз?

(8–савол, Забур 118:105,130) Калом ҳақида мулоҳаза қилиш, уни ўқиш ва ўрганишдан қандай фарқ қиласи?

(9–савол, Забур 142:8) Худодан йўл–йўриқ сўраш учун ибодат қилишингиз керакми?

(Ёқуб 1:5) Худонинг иродасини билишда доноликнинг ўрни қандай?

(10–савол) Бир нечта қатнашувчи бу саволга берган жавобини ўқиб берсин.

(11–савол) Бир нечта қатнашувчи бу саволга берган жавобини ўқиб берсин.

(13–савол) Бир нечта қатнашувчи саволнинг “Сиз қай тарзда Худога умид боғлашингиз керак?”, деган қисмiga берган жавобини ўқисин.

Бир киши бу саволдан кейинги гапни овоз чиқариб ўқиб берсин.
Бошқа бир киши эса 14—саволдан олдин келган гапни ўқисин.
(14–17–саволлар) Қарор чиқариш жараёнида Худонинг раҳнамолигига интилиш ҳақида нималарни билиб олдингиз?

(14–савол) Ноўрин маслаҳатнинг сизга қандай фойдаси бор?

Кимдир бу саволдан кейинги парчани ўқиб берсин.

(15–савол) Бир нечта қатнашувчи бу саволнинг биринчи қисмiga, қолганлари эса иккинчи қисмiga берган жавобларини ўқишишин.

(16–савол) “Ишни чин кўнгилдан бажармок” дейилганда, нима тушунилади?

(17–савол) Бир нечта қатнашувчи бу саволнинг биринчи қисмiga, қолганлар эса иккинчи қисмiga берган жавобларини ўқишишин.

3–қисм: Қоидларни амалда қўллаш

(18–савол) Бир киши бу саволни ўқисин.

(Ҳакамлар 6:25–28) Икки–уч киши Гидён ҳақида ёзган жавобларини ўқисин.

(Ибронийларга 11:25–26) Икки–уч киши Мусо ҳақида ёзган жавобларини ўқисин.

(2Тимўтийга 4:10) Икки–уч киши Димас ҳақида ёзган жавобларини ўқисин.

(19–савол) Бу саволдан кейин сиз қарор чиқаришингизга ёрдам берадиган жадвални тўлдиришингиз керак эди. Бир нечта қатнашувчи жадвалга ёзганларини ҳаммага ўқиб берсин (Эсингизга туting: ҳар бир талаба бу жадвални тўлдириши шарт, шундагина у бу мавзуни ўтган хисобланади).

“Менга ҳаёт сўқмоғини Ўзинг кўрсатасан”

— Забур 15:11

page 57

Муҳим масалалар —3-қисм

MARRIED ADULT – ОИЛАВИЙ ОДАМ

First inner circle:

GOD (Mathew 6:33)

Prayer

Seeking Guidance

Obedience

Bible study

Scripture memory

Thanksgiving

ХУДО (Матто 6:33)

Ибодат

Йўл–йўриқ сўраш

Итоат

Каломни ўрганиш

Оятларни ёдлаш

Шукронা айтиш

2nd circle:

HUSBAND OR WIFE

Pray for

Love

Plan together

Meet needs

Husband the spiritual initiator

Physical relationship

Appreciation

Communication

ЭР ёки ХОТИН (1Тимўтий 3:4–5, Титусга 2:3–5)

У учун ибодат қилиш

Севиш

Режа тузиш

Фамхўрлик қилиш

Эр руҳий етакчи

Жисмоний яқинлик

Қадрлаш

Гаплашиш

3rd circle:

CHILDREN
Pray for
Love
Fun time
Proper training
Help set purpose for life
Discipline
Time to talk

ФАРЗАНДЛАР (Эфесликларга 6:4)
Улар учун ибодат
Мехр
Хурсандчилик
Ўқитиш
Ҳаёт учун мақсадни белгилашда ёрдам
Тарбия
Гаплашиш учун вакт

4th circle:
OTHERS
Discipling
Evangelism
Recreation
Hobbies
Job
Education

БОШҚАЛАР (Колосаликларга 3:23–24)
Шогирд орттириш
Хушхабар айтиш
Дам олиш
Хобби
Иш
Маълумот

ОИЛАВИЙ ОДАМ: МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ТИЗИМИ (Ҳамма талабалар бу мавзунинг мухокамасида иштирок этишлари шарт).

Юқорида “Муҳим вазифалар тизими”га оид расм келтирилган, бу расм ёрдамида биз зиммамиздаги асосий мажбуриятларимизни кўришимиз мумкин.

Қачонки биз мажбуриятларимизнинг ички доирасида самарали бўлсак, шундагина кейинги ташқи доирада ҳам самарали бўла оламиз. Ички доирадаги мажбуриятларимиз ташқи доирага қараганда, муҳимроқдир. Бироқ шунга қарамай, биз бошиданоқ ҳаётимизнинг ҳамма томонлари орасида мувозанат сақлашимиз даркор.

Сиз ҳар бир кун ва ҳар бир ҳафта учун энг муҳим масалаларни аниқлашингиз керак. Худо ҳар биримизга ўзимизга ҳос бўлган мажбуриятларни берган, биз уларга эътиборсизлик қила олмаймиз. Шу сабабдан кундалик ва ҳафталик режаларни тузганимизда шуларни ҳисобга олишимиз керак бўлади.

Сиз ички доирадаги вазифаларни яхши бажара олсангизгина ташқи доирадаги мажбуриятларни муваффақиятли бажара оласиз ва Масих сиз орқали намоён бўлади.

Page 58

ХУДО БИЛАН МУНОСАБАТДА НИМА МУҲИМ?

Биз Масих йўлида самарали ҳаёт кечира олишимиз учун мунтазам равишда Худо билан вакт ўтказишмиз зарур. У ҳаётимизда устувор ўринни эгалаши керак (Матто 6:33). Михо пайғамбар бу ҳақда шундай деган: “Эй инсон, нима яхши эканлигини Эгамиз сенга аён қилди. Шудир Унинг сендан қилган талаби:adolatli iш тутгин, меҳр–шафқат қилишдан завқ олгин, камтар бўлиб, Худонинг йўлидан юргин.”(Михо 6:8).

Келтирилган расмдан кўриниб турибдики, эр ва хотин Худога қанчалик яқинлашса, бир–бирига ҳам шунчалик яқин бўлади.

Бу ота–она ва фарзанд муносабатига ҳам таалуқли.

Picture

GOD

HUSBAND

WIFE

ХУДО

ЭР

ХОТИН

GOD

PARENT

CHILD

ХУДО

ОТА–ОНА

ФАРЗАНД

Агар сиз Худога интилсангиз, Унга қалбингизни очиб, ҳузуридан завқ олсангиз, Унинг чексиз неъматларию баракатларидан албатта бахраманд бўласиз. Довуд пайғамбар бу борада шундай ёзган: “Эй Худо, Сенга яқин бўлганим эса менга яхшидир. Эй Эгам Раббий, Сени паноҳим қилиб олдим, Сенинг ҳамма ишларингни айтиб юраман.” (Забур 72:28, IBT Ўзбек тилига янги таржима) “Худовандга мурожаат қиласиган, чин қалбдан мурожаат қиласиган, ҳар бир инсонга У яқиндир. Художўйларнинг тилагини У қондирар, уларнинг фарёдини эшитиб, нажот берар” (Забур 144:18–19).

ЭР–ХОТИН МУНОСАБАТИДА НИМА МУҲИМ?

Агар сиз Худо билан яқин муносабатда бўлсангиз, эр ёки хотинингиз билан ҳам яқин муносабатда бўлишингиз учун имкониятингиз ошади. Эр–хотин орасидаги яхши муносабат эса фарзандингиз билан ҳам яхши муносабатда бўлишингизга ёрдам беради. Муҳим вазифалар деганда, бошқа мажбуриятга лаёқатсизлик билан қарамоқ дегани эмасдир. Шунчаки, муҳим вазифаларга кўпроқ ургу беришингизни билдиради. Оилавий муносабатларингиз устида ишлашни давом эттиринг.

Хотинлар

Сизлар ўз эрларингиз учун ибодат қиляпсизми? Эрингиз уйда яхши йўлбошчи бўлишига ёрдамлашяпсизми, қарорлар чиқаришга унга имконият беряпсизми? Сиз унга мослашяпсизми ёки у сизга маслашишга мажбурми? Эрингизнинг феълини ўрганяпсизми? Унга нима ёқиши, нима ёқмаслиги, кучли ва заиф томонларини биласизми? У ҳаётида қилмоқчи бўлган иш ва мақсадларда уни қўллаб–куватлаяпсизми?

Эрлар

Сизлар хотинларингиз учун ибодат қиляпсизми? Уй ташвишлари ва болалардан дам олиши учун унга имконият яратяпсизми? Уй юмушларида унга ёрдам беряпсизми? Уни қанчалар қадрлашингизни унга айтяпсизми? Ўй–фикрларингиз ва режаларингиз ҳақида уни хабардор қиляпсизми? Унга “рахмат”, деган сўзни айтасизми? Фарзандларингизни қандай тарбия қилишни ўрганяпсизми ёки тарбия қилиш вазифасини хотинингизда юклаб қўйганмисиз? Сизлар бирга ибодат қиляпсизларми? Гаплашишга вақт ажратяпсизми? Унинг кўнглига қарайпсизми? Рухий, жисмоний ва моддий муҳтоҷжикларини қодиряпсизми?

Агар сиз самарали ҳаёт кечириб, баланд чўққиларга эришмоқчи бўлсангиз, Худони биринчи ўринга, хотинингизни эса кафолатланган иккинчи ўринга қўйинг.

Page 59

ФАРЗАНД БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТДА НИМА МУҲИМ?

Бир куни жамоат чўпони бир гуруҳ эркакларга шундай савол берди: “Сизлар фарзандларингиз учун қила оладиган энг катта нарса нима эканлигини биласизларми?” Икки–уч дақиқа сукунатдан кейин, берган саволига ўзи шундай жавоб берди: “Хотинингизни севишингиздир?” Худони севиш эса албатти биринчи ўринда туради. Бироқ шундай ҳолатлар ҳам борки, Худони севадиган ва хотинига яхши муносабатда бўлган эркаклар фарзандларига эътиборсизлик қиласилар. Уларни Муқаддас Китобдаги ақидаларга кўра ўстирмайдилар.

Баъзи биродарлар “хизматга” берилиб кетиб, фарзандларининг тарбияси билан шуғулланмайдилар. Натижада, фарзандлар катта ҳаётга қадам қўйишга тайёр бўлмайдилар, Масих йўлидан юришни истамайдилар, чунки ўз вактида ота–оналар уларни шогирдликка олмаганлар, имонда ўстирмаганлар.

Хозирги жамиятимизда фарзанд тарбияси мавзусида кўплаб китоблар ёзилган, касета, диск ва семинарлар мавжуд. Бу долзарб мавзуни ўрганиш учун вақт ва бағишланиш даркор. Олинган билимлар, билим даражасида қолиб кетмаслиги учун, уларни амалда қўллаш керак. Ибодат қилиш лозим. Бола тарбияси бу — бир санъат. Сиз бу санъатни ўзлаштириб олдингизми? Турмуш ўртоғингиз билан болаларнингиз учун мақсадлар белгиладингизми? Оилангиздаги муҳитни яхшилаш учун қоидалар ишлаб чиқдингизми?

ОИЛА МАВЗУСИГА ХУЛОСА

Агар сиз Муқаддас Китобдаги ҳақиқатни эр—хотин муносабатларида ва болаларнингиз тарбиясида қўлласангиз, сизнинг атрофдаги одамларга бўлган таъсирингиз ниҳоятда кучли бўлади. Чунки одамлар ҳаётингизда Исо Маҳиҳ борлигини кўришади.

Оиласини яхши бошқара олган инсонгина руҳий етакчиликка тайинланиши мумкин. Муқаддас Китобда бу ҳақда шундай ёзилган: “Агар етакчи ўз уйини бошқара олмаса, Худонинг жамоатига қандай ғамхўрлик қила олади? (1Тимўтий 3:5 IBT ўзбек тилига янги таржима). Бу эса оилангиз мукаммал бўлиши керак, дегани эмас, бироқ ўз оилангизни тартибга солиш сизнинг бирламчи мақсадингиз бўлиши шарт. Зоро, буюк хизматингиз учун оилангиз мустаҳкам таянч ёки бўғзингизга тақалган ханжар бўлиши мумкин.

Ибтидо китобининг 18:19 да Худо шундай деган: “Иброҳим ўғилларини, ўз наслини Менинг йўлимдан юришга, тўғрилик ва адолат билан иш қилишларига йўл кўрсатсин, деб уни танлаганман. Шунда Мен Иброҳимга берган ваъдамни бажараман.” Иброҳим ўз оиласини яхши бошқара олгани учун Худо унга кўп баракалар бериб, руҳан бойитган.

БОШҚА МУҲИМ НАРСАЛАР

Иш

Сиз асосий вақтингизни ишхонада ўтказасиз. Худо берган қобилият ва иқтидорларингизни сиз айнан ўша жойда кенг ривожлантиришингиз мумкин. Ойлигингиз туфайли сиз оилангизни боқиб, шахсий муҳтожликларингизни қондирасиз, моддий даромадингизни Худо йўлидаги савобли ва ҳайрли ишларга сарф қиласиз.

Ишхонада сиз имонсиз ҳамкасаба ва дўстларингизга Маҳиҳ ҳақидаги Хушхабарни айтишингиз ва улардан шогирд орттиришингиз мумкин. Албатта, буни сиз иш пайтингиздан ташқари бўлган вақтингизда қилишингиз керак. Сиз ишингизни чин юрақдан худди Раббимиз учун бажаргандай бажаришингиз даркор. Ишдаги садоқатингиз Хушхабар айтишингизга, оилангизни таъминлашингизга ва шахсий ўсишингизга йўл очади.

Page 60

ЖАМОАТ

Имонлилар йигиладиган маҳаллий жамоат ниҳоятда муҳим. Сиз жамоатда ҳам ўрганасиз, ҳам насиҳат қиласиз. Агар сиз жамоатдан ташқарида — Хушхабар хизматида, оилавий хизматда ёки бошқа бир хизматда иштирок этсангиз, жамоат ичида фақат битта мажбуриятни ўз бўйингизга олиб, уни яхши бажаринг.

Борди—ю жамоатда болалар гуруҳини бошқарсангиз, буни нафақат хизмат тариқасида, балки шахсий ўсиш учун аъло бир имконият деб билинг. Чунки сиз илоҳий ҳақиқатни аниқ ифодалай олишни ўрганишингиз ва бошқаларга далда бериб уларни руҳан ўстиришингиз мумкин.

Нима хизмат қилишингиздан қатъий назар, Худодан мадад ва йўналиш сўранг. Биродарлар билан ҳар ҳафта учрашар экансиз, ҳам ўзингиз ўрганинг, ҳам бошқаларга ўргатинг.

Ўз устингизда ишланг

Китоблар ўқинг. Хобби билан шуғулланинг. Зукко ва бошқаларни ўзига жалб қиласиган инсон бўлинг. Спорт билан шуғулланинг, етарлича дам олинг, сайр қилинг. Имонда ўсишингиз учун керакли билим ва тажриба орттиринг.

ЎН БИРИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш:* Бажармаган вазифангиз бор бўлса, уни бажаринг.
2. *Сокин вақт:* Муқаддас Китобни ўқиши давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус бўлган жойларни белгилаб боринг.
3. *Муқаддас китобни ўрганиш:* Бешинчи бобнинг “Худонинг хизматкори бўлиш” мавзусига оид 1–10–саволларга жавоб беринг (96–99–бетлар).
4. *Қўшиумча мавзулар:* “Кўприк” суратини тушунтиришга тайёр бўлиб келинг.

Page 61

ЎН БИРИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гурухларга бўлиниб, “Ўзлаштириш жадвалининг” тўлдирилмаган жойларини тўлдиринг.
2. Сокин вақт пайтида “Дастурни ўрганиши кундалиги”га ёзган фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Аёл ва эркакларни алоҳида гурухларга ажратинг. Бешинчи бобнинг “Хизмат — ҳаёт тарзи” мавзусига оид 1–10–саволларга берган жавобларингизни муҳокама қилинг (96–99–бетлар).
4. Ҳар бир гурух етакчисининг ишини қисқача баҳоланг.
5. “Кўприк” расмини тушунтиришни машқ қилинг.
6. *Ўн иккинчи дарс учун топшириқлар бўлимини ўқинг* (62–бет).
7. *Ўн иккинчи дарсни олиб борадиган етакчини тайинланг.*
8. Дарсни ибодат билан якунланг.

Гурух етакчилари учун қўлланма: “Хизмат — ҳаёт тарзи” мавзусига оид саволларга кўрсатмалар

(Бу бўлимдан фақат гурух етакчisi фойдалансин)

1–қисм: Масиҳ биз учун намуна

(1–4–саволлар) Масиҳ бизга қандай ўрнак кўрсатди? Унинг мисолидан қайси нарса сизга энг кўп таъсир қилди?

(1–савол) Масиҳнинг ўлиш ва хизмат қилиш мақсадлари ўртасида қандай боғлиқлик бор?

Кимдир 2–саволдан кейин келтирилган Освалд Сандерснинг гапини ўқисин.

(3–в савол) Бир нечта қатнашувчи бу саволга берган жавобларини овоз чиқариб ўқиб берсин.

(4–савол) Бир нечта киши бу савога берган жавобларини ўқисин.

2–қисм: Исо Масиҳ сизга раво кўрган эзгуликлар

(5–8–саволлар) Масиҳнинг сизга хизмат қилиш истаги ҳақида нималарни билиб олдингиз?

(5–савол) Илтимос қилинг, бир–икки киши бу саволга берган жавобини ўқисин.

(7–савол) Бир нечта қатнашувчи бу саволга берган ҳамма жавобларини ўқишин.

Page 62

(8–савол) Гурухдаги ҳар бир киши ўрганган нарсаси ҳақида ўртоқлашсин. Ҳамманинг гапиришига имконияти бўлсин.

3–қисм: Ўзлиқдан воз кечиш

(9-10–саволлар) Бу мавзу борасида сизга энг кўп таъсир қилган нарса нима бўлди?

(9–савол) Бу саволнинг биринчи қисмига жавоб берилгандан кейин, илтимос қилинг, бир нечта қатнашувчи саволнинг иккинчи қисмига берган жавобини ўқисин.

(10–савол) Биргаликда масиҳийнинг фазилатлари ҳақида мулоҳаза қилинг.

Бир нечта киши бу саволнинг иккинчи қисмига берган жавобларини ўқиб беришсин.

ЎН ИККИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш:* Биронта вазифангизни бажармаган бўлсангиз, уни бажаринг.
2. *Сокин вақт:* Муқаддас Китобни ўқишида давом этинг, ўзингиз учун маҳсус бўлган жойларни белгилаб боринг.
3. *Муқаддас китобни ўрганиши:* Бешинчи бобнинг “Худонинг хизматкори бўлиш” мавзусига оид 11–20–саволларга жавоб беринг ва “Хулоса” қисми билан танишиб чиқинг (99–103–бетлар).

Page 63

ЎН ИККИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гурухларга бўлиниб, “Ўзлаштириш жадвалининг” тўлдирилмаган жойларини тўлдиринг.
2. Сокин вақт пайтида “Дастурни ўрганиши кундалиги”га ёзган фикрларингизни гурухдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Аёл ва эркакларни алоҳида гурухларга ажратинг. Бешинчи бобнинг “Хизмат — ҳаёт тарзи” мавзусига оид 11–20–саволларга берган жавобларингизни муҳокама қилинг (99–103–бетлар).
4. Эркаклар ва аёллар гуруҳи бирлашиб, гуруҳ етакчиларининг ишига қисқача баҳо беришсин.
5. Дарсни ибодат билан яқунланг.

Гуруҳ етакчилари учун қўлланма: “Хизмат — ҳаёт тарзи” мавзусига оид саволларга кўрсатмалар

(Бу бўлимдан фақат гуруҳ етакчиси фойдалансин)

1–ҚИСМ: ХИЗМАТКОР УЧУН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

(11–16–саволлар) Хизматкор қандай талабларга жавоб берishi керак?

Үрганганларингизни айтинг.

(12–савол) Яхши қилған хизматимиз учун ташаккур ва мақтовни олишга ҳаққимиз йўқ. Нима учун?

(13–савол) Кимдир бу саволга кириш қисмини овоз чиқариб ўқиб берсин.

Бир нечта қатнашувчи бу саволга берган жавобларини ўқишигин.

(14–савол) Ким хоҳласа, бу саволнинг биринчи қисмига берган жавобини ўқиб берсин.

(15–савол) Хоҳлаганлар бу саволга берган ҳамма жавобларини ўқиб беришсин.

(16–савол) Бир нечта киши бу саволга берган жавобларини ўқишигин.

Кимдир бу саволдан кейинги гапни овоз чиқариб ўқисин.

5–ҚИСМ: ХИЗМАТКОР САҲИЙ БЎЛАДИ

Кимдир бу мавзу бошидаги парчани овоз чиқариб ўқисин.

(17–20–саволлар) Хизматкорнинг зиммасидаги мажбуриятлари ҳақида нималарни ўрганиб олдингиз?

Гуруҳдаги бир нечта одам “Хулоса” қисмини ўқисин.

Page 64

BLANK PAGE

Page 65

ШОГИРДЛИК МОҲИЯТИ, 3–КИТОБ

МАСИҲГА ҲАМРОҲ БЎЛИШ

Муқаддас китоб — бу ҳаёт ҳақидаги Китоб, ҳақиқат ҳазинасиdir.

Бу Китоб:

Куч ато қилиб, жонга жон киритади,
Содда одамга донолик беради,
Қалбни шодликка тўлдиради,
Кўзга нур беради,
У соф олтиндан ҳам аълодир,
Тоза асалдан ҳам ширинроқдир,
Муқаддас Китобдаги қоидаларга итоат қилған буюк мукофот олади.

— Забур 18:7–11 дан олинган

Худо Ўз Каломида чексиз донолик ва бойликни аён қилди. Ҳар бир имонли одам улардан баҳраманд бўлиши мумкин, бироқ донолик ва бойлик фақатгина доноликка интилган ва Каломни чуқур тадқиқ қилишга интилган одамларгагина насиб қиласи.

Илоҳий донолик ҳазинасини очадиган қалит бу ибодат ва Калом борасидаги мулоҳазадир. Ҳар бир оятнинг маъносини тушуна олишингиз ва уни амалда қўллай олишингиз учун Худога ибодат қилиб ёрдам сўранг, оятнинг мағзини чақинг.

Сиз ҳаётингиз давомида Масихнинг изидан юрар экансиз, “Худонинг мен учун режаси нима? Ҳаётимдан мақсад нима? Қандай қилиб имон билан яшашим мумкин? Худо ҳаётимда нима қилмоқчи?” деган саволлар беришингиз мумкин. “Масихга ҳамроҳ бўлиш” дастурида сиз қўйидаги бешта асосий мавзу билан танишасиз:

- Масихда улғайиш
- Масих Раббийдир
- Имон ва Худонинг ваъдалари

- Худонинг иродасини билиш
- Хизмат — хаёт тарзи

Page 66

БИРИНЧИ БОБ МАСИХДА УЛҒАЙИШ

Йигирманчи аср мисли кўрилмаган янги кашфиётларга бой бўлди. Бу кашфиётлар натижасида одамларнинг хоҳишлиари қисқа вақт ичидаги қондирилади. Таомлар бир зумда тайёр бўлади, телефон ва интернет ёрдамида узоқ масофадаги одамлар бир-бири билан уланади, юқори тезлиқда ишлайдиган компьютерлар керакли ахборотни етказиб беради. Ҳозирги замон одамлари “тез” эришиладиган нарсаларга ўрганиб қолдилар. Лекин масиҳийлар шуни эсда тутишлари керакки, имонда “бир зумда улғайиб бўлмайди”. Имон йўлига кирган инсон бир умр давом этадиган ажойиб сафарни бошлайди, у кун сайин Худони яқинроқ таниб билиб, умр давомида Унга ҳамроҳ бўлади, Уни чин юракдан севишни ўрганади.

“Бу дунёга мослашманглар, фикр–зикрингизни янгилаб, тубдан ўзгаринглар. Шунда Худонинг иродасини тушуна оладиган бўласиз, яъни нима яхши, Худога манзур ва мукаммал эканлигини била оладиган бўласиз.” (Римликларга 12:2).

УЛҒАЙИШ САРИ ҚАДАМ ТАШЛАШ

1. Сиз Масиҳга ишонган заҳотингизда руйхий улғайиш сари илк қадам ташлаган эдингиз. Қўйидаги бўш жойга Хушхабарнинг муҳим жиҳатларини ёзинг, келтирган оятларингизнинг манзилини ҳам ёзишни унутманг.

2. Эфесликларга 4:11–16–оатларни ўқинг.

a. Худонинг сиз учун мақсади нима (13,15–оатлар бўйича савол)?

page 67

б. Улғаймаган масиҳийлар, яъни “имондаги гўдаклар” қандай жиҳатларга эга? Уларни қандай таърифласа бўлади (14–оат бўйича савол)?

в. Бу оятларга биноан, инсонни қайси белгиларга кўра етук деса бўлади?

3. Инсоннинг эски табиати иллатлари билан янги табиатининг хислатларини қиёсланг (Эфесликларга 4:22–24).

ЭСКИ ТАБИАТ

ЯНГИ ТАБИАТ

4. 2Коринфликларга 3:18 ўқинг.

а. Сиз кимга ўхшаб боряпсиз? _____

б. Бундай ўзгаришни ким амалга оширади? _____

в. Сиз бирданига ўзгариб қоласизми? _____

г. Ўзгариш жараёнида сизнинг қиладиган ишиңгиз нималардан иборат? _____

д. Раббимизнинг улуғворлигини очиқ юз билан кўришни, нима деб тушунасиз? Қандай қилиб буни амалда қўллай оласиз? _____

5. Куйидаги оятларда Масих билан бизнинг орамиздаги қандай муносабатлар тасвиrlанган?

а. Масих сиз учун нималар қилди (Римликларга 5:8–9)? _____

page 68

б. Энди биз нима қилишимиз керак? (Римликларга 6:19–оятга асосланиб жавоб беринг). _____

в. Келажакда биз нималарга эга бўламиз (Римликларга 8:16–18)? _____

Худо имонлиларнинг хаёти учун режа тузган. Масих берган нажотнинг учта жиҳати Худонинг бу режасини тушунишибизга ёрдам беради. Масихнинг нажотини — ўтмиш, ҳозир ва келажакка оид учта феъл билан ифодаласак бўлади: оқлади, покляяпти (ёки муқаддас қиляпти) ва улуғлайди.

Оқлади	Ўтган замон — Масих мени гуноҳ жазосидан қутқарди.	Менинг <i>ўрним</i> Масихда
Покляяпти/муқаддас қиляпти	Ҳозирги замон — Масих мени гуноҳ таъсиридан халос этяпти.	Менинг <i>ҳолатим</i> — Масихга ўхшаб бориш.
Улуғлайди	Келажак замон — Масих мени гуноҳдан буткул халос қиласди.	Менинг <i>умидим</i> — Масихдай бўлиш.

6. Колосаликларга 3:2–4–оятларни эътибор бериб ўқинг. Бу оятлар мазмунан юқоридаги жадвалга боғланганми? Жавобингизни тушунириинг.

ИМОН ЙЎЛИДА ИЛК ҚАДАМ

7. Колосаликларга 2:6–7–оятларни ўқинг. Сиз имонга қандай келгансиз?

Имонда қандай ўсишингиз мумкин? _____

page 69

8. Римликларга 5:1–5 борасида мулоҳаза юритинг. Сиз Масихга бўлган имонингиз туфайли оқланганингиз учун қандай амалий ютуқларга эга бўлдингиз?

9. Эфесликларга мактубнинг 1–бобини ўқиб, Худо сизга Масих орқали нималарни берганини қуидада ёзинг.

— оят _____
— оят _____
— оят _____
— оят _____

ЎСИШ ЖАРАЁНИ

10. Жисмоний ва рухий ҳаёт орасида ўхшаш жиҳатлар жуда кўп. Бундай ўхшашликларни қуидаги оятлардан топиб ёзинг.

1Салоникикларга 2:11 _____

1Тимўтий 4:8 _____

Ибронийларга 5:13–14 _____

1Бутрус 2:2–3 _____

Сиз яна қандай ўхшашликларни биласиз? _____

page 70

11. Римликлар 5:17–оятга кўра сиз Худонинг чексиз инояти туфайли нимага эришдингиз?

Бунинг натижасида сиз Исо Масих орқали эришилган абадий ҳаётда нима қиласиз?

12. Римликлар 6:11–13–оатлар борасида мулоҳаза қилинг.

а. Сиз ўзингизни нима деб ҳисоблашингиз керак (11–оат)?

б. Гуноҳ ҳаёtingизда қандай ўрин тутиши керак (12–оат)?

в. Сиз аъзойи баданингизни нимадан асрашингиз керак (13–оат)?

г. Сиз нима қилишингиз керак (13–оат)?

13. Ҳаёtingизда гуноҳ эмас (Римликлар 6:13), балки сиз ҳокимлик қилишингизни Худо хоҳлади (Римликлар 5:17). Худонинг бу хоҳишини амалда қандай қўллашингиз мумкин?

14. Павлуснинг айтишича биз имон орқали нажот топғанмиз (Эфесликлар 2:8–9), бироқ бизнинг Худо билан бўлган муносабатимиз бу билан чекланиб қолмайди.

А. Эфесликларга 2:10–оатдаги Павлуснинг сўзларига кўра биз киммиз?

б. Худо қалбингизда ишлайтими?

в. Худо ҳаёtingизда нима қиляпти (Филиппиликларга 1:6)?

Page 71

Ўз ҳаёtingиз ҳақида мулоҳаза қилар экансиз, амалга ошираётган ҳамма эзгуликлари учун Худога шукроналар айтинг. Ҳаёtingиздаги қийинчиликлардан нолимай, аксинча хурсанд бўлинг, чунки қийинчиликлар — Худо ҳаёtimизда фаол эканидан далолат беради. Худо бизни Масихга ўхшатиб ўзгартирмоқда. Худога шукроналар айтиш учун вақт ажратинг, У ҳаёtingизда қилган, қилаётган ва қиладиган ишлари учун Унга ташаккур билдиринг.

Бизнинг ташки қиёфамиз шунчаки суратнинг ҳошиясига ўхшайди. Худонинг асл ижоди, У кашф этаётган асари бу — бизнинг ички борлигимиз, шахсиятимиздир.

Яшаш ҳақида

15. Куйидаги оятларга кўра масиҳийлар қандай яшашлари керак?

Римликларга 8:4

2 Коринфликларга 5:7

Эфесликларга 5:2

1Юханно 2:6

16. 1Юҳанно 1:6–10–оятларни кўриб чиқиб, Худо билан яшаган ва Худосиз яшаган одамларнинг фарқини ёзинг.

ХУДО БИЛАН ЯШАГАН ОДАМЛАР

ХУДОСИЗ ЯШАГАН ОДАМЛАР

Етук ҳаёт

17. Имонда етук бўлган одам ҳаётга қандай ёндашиши керак (Филиппиикларга 3:13–15)?

page 72

18. 1Коринфликларга 15:58ни ўқинг. Биз Масих билан абадий ҳаёт кечиришга кўз тиккан эканмиз, унгача қандай яшашимиз керак?

Нимага меҳнатдан қочмаслигимиз керак? Нималарни билишимиз бизни янада кўпроқ меҳнат қилишга ундайди?

19. Руҳан етукликка эришиш учун нима қилишимиз керак?

2Бутрус 3:18 _____

1Юҳанно 4:16–17 _____

20. 2Тимўтий 4:7–8–оятларни ўқинг. Павлуснинг сўзларига кўра у Масихга бағишлиб яшаган ердаги умри давомида нималар қилди?

Павлус Худодан қандай мукофот кутяпти? _____

ХУЛОСА

Улғайиш сари қадам ташлаш

Худо бизнинг улғайишимиизни ва Масих сингари бўлишимизни хоҳлади. У бизни гуноҳ жазосидан озод қилди. Тўғри, биз ердаги бутун умrimиз давомида гуноҳ билан олишамиз, бироқ абадий ҳаётда Худонинг ҳузурида яшаганимизда, гуноҳдан бутунлай кутуламиз.

Имон йўлида илк қадам

Биз Масихни Нажоткор сифатида қабул қилганимизда, имон йўлида илк қадам ташлаган эдик. Энди имонда улғайишимииз учун Худо бизга керакли ҳамма нарсани берди.

Ўсиш жараёни

Рұхий ўсиш худди жисмөній ўсишга ўхшайды. Худо қалбимизда ишлар экан, бу жараён вакт талаб қиласы. Худо ҳаётимизда бошлаган зәгу ишини охирига етказишига ишонишимиз керак. Ҳаётимизда гүнох әмас, ўзимиз ҳокимлик қилишимиз лозим.

Page 74

ИККИНЧИ БОБ МАСИҲ РАББИЙДИР

Исо Масих Нажоткор ва Раббийдир!

Илохиётшунос Вильям Барклейнинг айтишича Исо Масихнинг “Раббий” унвони Масихга нисбатан кенг қўлланилган унвонлардан бири бўлиб, илохиёт фанида кўп ишлатилади. Раббий сўзи гўё Масихнинг иккинчи номидай бўлиб қолган деб айтсак муболаға бўлмайди.*

Масиҳнинг Раббийлиги, яъни ҳокимиияти сиз учун қандай маънога эга? Сиз ҳаётингизнинг қайси томонларини Унинг ҳокимииятига бўйсундиргансиз? Кўпинча масиҳийлар имоннинг бу томонига эътибор бермайдилар, ваҳоланки, Масиҳнинг ҳакиқий шогирдлари бутун ҳаётини Раббимизга бағишлаб яшайдилар.

ИСО МАСИХ — РАББИМИЗ

Унвон орқали одамнинг кимлигини билиб олсак бўлади. Қайдаги оятларда Исо Масихга нисбатан қандай унвонлар ишлатилган?

Юханно 13:13

Ҳаворийлар 2:36

Ваҳий 19:16

Бу унвонлар орқали Масихни қандай таърифласа бўлади? Қисқача хulosангизни қўйида ёзинг:

2. Күйилаги кайси сўз кайси оятга тўғри келади? Чизик билан уларни бирлаштиринг:

Масих бутун борликнинг Раббийси

Колосалиқларға 1:18

Масих ўліқларнинг ва тирикларнинг Раббийси

Колосаликларга 1:16–17

Масих жамоатнинг боши

Настоящая глава

Римликларга 14·9

Масих коинотда қандай ўрин тутса, бизнинг ҳаётимизда ҳам худди шундай ўрин тушиш дозим

Footnote* Вильям Барклейнинг “Исо инсоният назарида Ким?” асаридан олинган парча, 1962й “Harper & Raw” нашриёти, Нью Йорк.

Page 75

3. Исо Масиҳнинг “Раббий” унвони қайси маънони ифодалайди? Ўз тушунчангизни ёзинг (Бу машқни бажаришда Изоҳли луғатдан фойдаланишингиз ҳам мумкин).

а. Худо Исо Масихни қандай қилиб юксалтириди? _____

б. Қандай қилиб жамики одамлар Масихни улуғлашади? _____

5. Ваҳий 5:12–оятда Исо Масихнинг Раббийлиги қандай сўзлар билан таърифланган?

6. 1Коринфликларга 6:19–20–оятларни ўқинг.

а. Сиз Худога тегишли бўлишингиз учун қандай баҳо тўланган? _____

б. Шунинг учун сиз нималар қилишингиз керак? _____

Раббийларнинг Раббийси бўлмиш Исо Масих дунё бино бўлмасдан олдин бор бўлган ва то абад бор бўлади. Одамларнинг кўпчилиги Исонинг Кимлигини тан олмасада бу Унинг ҳокимиятига заррача ҳам таъсир қилмайди. Бир кун келиб, бутун борлиқ Исо олдида тиз чўкади, лекин ҳозирданоқ Унинг ҳокимиятини тан олиб, Унга бўйсуниш нақадар юксак шарафдир. Масих ҳаётингизнинг Сохиби бўлишига йўл қўйинг, бу қарорингизни муносиб турмуши тарзингиз билан тасдиқланг.

МАСИХНИНГ ҲОКИМИЯТИНИ ТАН ОЛИБ, УНГА БАҒИШЛАНИШ

7. Имонли кишининг ҳаётида Масих қандай ўрин эгаллаши керак (Колосаликларга 1:18)? _____

page 76

Масих барча масиҳийларнинг қалбida бор.

Баъзи масиҳийларнинг ҳаётида Масих аҳамиятли ўринга эга.

Бироқ саноқли масиҳийларгина Масихга устунликни берадилар.

8. Римликларга 12:1–оятга кўра, биз нима қилишимиз керак?

Нима сабабдан ўзимизни Худога бағишлишимиз керак? _____

9. Кўйидаги жумлаларни ўқинг. Ҳис–туйғуларингизни ифодалаган жумлаларни белгиланг.

а. Хаёлимда Исо....

_____ гўё муаммоларимни тушунмагандай бўлади.

_____ гўё мендан имконсиз нарсаларни талаб қиласигандай бўлади.

_____ мен ёқтиргаган ишни амалга оширишга мени мажбур қиласи, деб қўрқаман.

_____ оила қуришимга йўл қўймайди, деб қўрқаман.

_____ туфайли мулким, қизиқишларим ва дўстларимдан айриламан, деб қўрқаман.

гүё “катта” ишлар қилишимга ёрдам берадигандай, ҳаётимнинг икир–чикирлари билан эса қизиқмайдигандай туюлади.

б. Ҳаётингизда Масихга биринчи ўрин беришга йўл қўймаётган яна қандай қўрқувлар бор?

в. Еремиё 29:11–оятни ўқинг. Бу оятдаги сўзлар қўрқувларингиздан халос бўлишга ёрдам бериши мумкинми? Қандай қилиб?

“Масих бутун борлиқнинг Раббийсидир. Биз қатъий ва ойдин қароримиз билан ўз иродамиз орқали Масихни Раббий, деб тан оламиз. Биз гүё никоҳдан ўтган келинга ўхшаймиз. Келин никоҳ пайтида “ҳа”, деб берган розилиги билан ўзини куёвга бир умрга бағишлади. Сўнгра ўзининг қарорига асосан у кундалик ҳаётида барча келинлик вазифаларини адо этади. У энди ўзи учун эмас, эри учун яшайди. Шу сингари биз ҳам ўзимизни Масихга бағишлишимиз биланоқ ўзлигимиздан воз кечдик, қилган қароримиз асосида энди ўзимиз учун эмас, У учун яшаймиз.” — Ж. Освалд Сандерс*

Footnote *Ж. Освалд Сандерснинг “Муқаддасликка интилмоқ” асаридан олинган парча. “Zondervan” нашриёти томонидан чоп этилган. Мичиган.

Page 77

10. Қуйидаги саволларни ўқинг. Тўғри жавони белгиланг.

МЕН ИСО

Ҳаётим учун нима яхшилигини ким билади?

Ҳаётим учун эзгу нематларни ким бера олади?

Ким мен учун энг яхши нарсаларни раво кўради?

Нимага? _____

11. Ибодат қилинг, Исо Масих — Раббий эканлиги тўғрисида фикр юритинг. Раббимиз Исонинг ҳокимиятини ҳаётингизда қабул қиласизми?

ҲА _____ ЙЎҚ _____

МАСИХНИНГ ҲОКИМИЯТИГА АМАЛДА БЎЙСУНИШ

12. Яхши ниятдан доим ҳам яхши натижа келиб чиқавермайди. Одам ишни яхши бошласа, уни албатта яхши тугатади, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Қарор ҳар қандай ишнинг бошидир. Сиз ҳаётингизни Масихга бағишлишга қарор қилган бўлсангиз, буни шунчаки тил учида эмас, балки амалда қўрсатишингиз даркор. Ҳар куни, ҳар бир ишда Унга бўйсунишингиз керак. Энди Масих ҳаётингизнинг марказидир. Шундай экан, ҳаётингизнинг ҳар бир соҳаси Унга тобе бўлиши лозим. Қуйидаги расмда инсон ҳаётининг соҳалари аниқ қўрсатилган

Picture of a circle with following words:

Leisure time	Хордик вақти
Career	Касб/хунар
Education	Маълумот
Money	Пул
Self	Шахсият
Possessions	Мол–мулк
Marriage	Оила
CHRIST	МАСИХ

Page 78

Бир неча дақиқа давомида ўйлаб кўринг: “Сиз Масихнинг ҳокимиятига амалда бўйсуняпсизми?” Масихга ҳаётингизда қанчалик ўрин берганингизни аниқлаш учун ўзингизга шундай савол беринг: “Масих мендан нимани сўраса ўша нарсани қилишга тайёрманми?” ёки “Ҳаётимда бирон кўргулик юз берса, мен ўшанда ҳам Масихдан миннатдор бўла оламанми?”

а. Сиз ҳаётингизда Масихга тўлиқлигича топширмаган бирон соҳа қолганми?

б. Сиз Масихга топширманган ҳаётингизнинг яна бошқа бир жабҳаси борми?

в. Масих ҳаётингизнинг бу соҳаларини ҳам бошқариши учун нима қилишингиз керак?

Биз кўпинча: “Кўпроқ пулим, имкониятим, вақтим ёки маълумотим бўлса эди, Худога кўпроқ хизмат қиласадим”, деб ўйлаймиз. Лекин биз йўқ нарсалар ҳақида эмас, балки бор нарсалар ҳақида қайғуришимиз керак. “Бор нарсам билан Худога қандай хизмат қила оламан?” деб ўйлашимиз даркор. Биз ким ёки нимага эга эканлигимиз муҳим эмас. Энг муҳими — Масихнинг ҳаётимизда тутган ўрни.

13. Агар сиз ҳаётингизни ўз қўлларингизга олсангиз, кўп вақт ўтмай бахтсиз, ташвиш остида қолиб кетган инсонга айланасиз. Бундай ҳолда Бутрус бизга қандай маслаҳат беради (*1Бутрус 5:6–7*)?

Қўйида чизилган одамча ташвишларидан ҳоли бўлиши учун нима қилиши керак?
Жавобингизни рамка ичига чизинг.

CARES – ТАШВИШЛАР

Page 79

14. Агар биз ташвишларимизни Исога топширмасак, нима юз бериши мумкин?
Жавобингиз Марк 4:18–19–оятларга асосланган бўлсин.

Нима деб ўйлайсиз, бу қандай содир бўлади?

15. Луқо 9:23ни ўқинг. Ислога эргашишни истаган инсон қандай учта нарсани қилиши керак? Жавобларингизни қўйидаги устунларга ёзинг.

ҚИЛИНАДИГАН ҲАРАКАТ

УНИ ЎЗ СЎЗИНГИЗ БИЛАН ТАЪРИФЛАНГ

16. Колосаликларга 3:23–24–оятларни ўқинг. Павлус бу оятлар орқали нимани англатмоқчи бўлган? (Тўғри жавобнинг тагига чизиб, уни асослаб беринг).

Инсонларга қараганда, Масихга юксакроқ самимият билан хизмат қилиш керак.

Дин билан кундалик ҳаётни аралаштириш ярамайди.

Қиладиган ҳар бир оддий ишни ҳам чин қалдан бажариш керак, чунки сиз аслида ҳар бир ишингиз орқали Масихга хизмат қиляпсиз.

17. Масих ҳаётингизнинг Раббийсими ёки йўқми? Луқо 6:46–оятга кўра буни аниқлаш учун нима мезон бўлиб хизмат қиласди?

page 80

18. Луқо 18:28–30–оятларни ўқинг.

а. Исонинг шогирдлари нима қилдилар?

б. Исо Масих уларга нима деб жавоб берди?

19. Раббимиз Исо Масих сизнинг ҳаётингиздә қандай ўрин тутади? Унинг ҳукмронлигини қай даражада тан олгансиз?

ХУЛОСА

Исо Масих — Раббимиз

Худо Муқаддас Битикларда Исони Раббий, деб эълон қилган. Исо Масих нафақат қилган иши, балки Ўз шахсияти учун Раббий бўлишга лойикдир.

Масиҳнинг ҳокимиятини тан олиб, Унга бағишланиш

Исо Масих бутун борлиқнинг Раббийси бўлса-да, У ҳеч қачон инсонни мажбурламайди, унга зулм ўтказиб инсон устидан ҳокимиятини куч билан ўрнатмайди. Исо қалбимизга кириш учун ижозат сўрайди, бизнинг хоҳишимиз билангина қалбимизнинг тўрини эгаллаб, ҳаётимида Ўзининг эзгу ҳокимиятини ўрнатади.

Масиҳнинг ҳокимиятига амалда бўйсуниш

Имонли киши ҳаётининг баъзи соҳаларини Исога тўлиқ топширмаган бўлиши мумкин. Бундай инсон ҳақиқий баҳтиёрликка ва фаровон ҳаётга эришиши учун, ҳаётининг барча соҳаларини тўлиқлигича Исога топшириши керак.

Page 81

УЧИНЧИ БОБ ИМОН ВА ХУДОНИНГ ВАЪДАЛАРИ

Бир куни одамлар Исонинг олдига келиб: “Худога маъқул ишларни бажариш учун нима қилишимиз керак?”, деб сўрадилар. Исо уларга шундай жавоб берди: “Худога маъқул иш қилмоқчи бўлсангизлар, Худо юборган Зотга ишонинглар.” (Юханно 6:29). Худо одамларнинг ишонишларини, имонга эга бўлишларини хоҳлайди, зотан “Ишонмаган одам ҳеч қачон Худони мамнун қила олмайди.” (Ибронийларга 11:6).

Хозирги замонда одамлар имонни шунчаки орзу ҳавас билан адаштириб кўйишади, “қанийди, шундай бўлса”, деган гапни кўп ишлатишади. Бироқ ҳақиқий имон орзу ҳавасдан анча устун туради ва имонга эга бўлмай туриб, Масих билан яшаб бўлмайди.

ИМОН БИЛАН ЯШАШ

- Худо инсонга нажот берганда имон қандай ўрин тутади? Эфесликларга 2:8–9–оятларга асосланиб жавоб беринг.

Сизлар Масиҳга бўлган имонингиз туфайли нажот топган экансиз, энди қай тарзда яшашингиз керак (Колосаликларга 2:6)?

2. Имон сўзига изоҳ ёзинг:
Ҳаворийлар 27:25–оятга кўра, имон бу _____

Римликларга 4:20–21 га кўра, имон бу _____

Ибронийларга 11:1 га кўра, имон бу _____

page 82

“Имон бу — Худонинг Муқаддас Китобда айтган сўзларини ҳақиқат, деб билиш ва Худо айтганларини албатта амалга оширади, деб қатъяян ишониш демакдир... Имоннинг шунчаки абстракт тасаввур, мавхумлик ёки мужмаллик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.”
—Жорж Мюллер*

3. Имон туфайли нималарга эришса бўлади? Қуйидаги жавобларни ўз оятлари билан боғланг:

- | | |
|--|----------------------|
| _____ Умид, севинч ва тинчлик | а. Матто 21:22 |
| _____ Ибодатда сўраган нарсангизни оласиз | б. Римликларга 15:13 |
| _____ Ёвуз шайтон устидан ғалаба қозонасиз | в. Эфесликларга 3:12 |
| _____ Худога яқинлаша оласиз | г. Эфесликларга 6:16 |

4. 2Коринфликларга 5:7–оятни ўз сўзларингиз билан ёзинг, уни амалда қандай қўллай оласиз? Бунга бир мисол келтиринг.

5. Гуноҳ туфайли биз рухан кўр бўлиб, Худонинг қилаётган ишларини кўра олмаймиз. Матто 13:58 га кўра гуноҳ бизни нимадан маҳрум қиласди?

Имоннинг антоними бу иккиланиш эмас, имонсизликдир. Иккиланган одамга шунчаки қўшимча далиллар керак. Имонсизлик эса Худога итоатсизлик қилмоқ, Унинг айтган сўзларига қарши чиқиб, уларга риоя қилмаслик демакдир.

ХУДОДАН ЎЗГА НАРСАЛАРГА ИШОНИШ

6. Одамлар Худодан бошқа яна нималарга умид боғлаб ишонишлари мумкин?
Забур 32:16–17 _____

Забур 145:3 _____
Сулаймоннинг ҳикматлари 3:5 _____
Сулаймоннинг ҳикматлари 28:26 _____
Еремиё 9:23 _____

Footnote *Жорж Мюллернинг цитаталари, Базил Мюллернинг “Имонга бой инсон” асаридан олинган, 1972 йилда “Bethany Fellowship Inc.” нашриёти томонидан чоп этилган, Минеаполис.

Page 83

Сиз ўзингиз юқорида қайд этилган қайси нарсаларга ишониб қолгансиз? Ўша оятларни “х” билан белгиланг. Худодан ўзга нарсаларга ишониш қандай оқибатларга олиб келади, нима деб ўйлайсиз?

7. Марк 11:22 га кўра, сиз Кимга ишонишингиз керак?

8. Олдинги иккита саволга асосланган ҳолда қўйидаги расмларнинг маъносини тушунтириб беринг.

I know I'll make it, I have lots of faith — Ишончим комилки, бунинг уддасидан чиқа оламан

Faith – Имон

Danger! thin ice – Эҳтиёт бўлинг! Муз юпқа.

I don't have too much faith, but I'll try it! Ўта оламанми, йўқми билмадим, лекин ҳаракат қиласман.

Safe! Thick ice. Хатар йўқ! Муз қалин.

page 84

9. Худога бўлган ишончингиз Худонинг Кимлигига, Унинг шахсиятига ва сизнинг У ҳақидаги билимингизга асосланган. Худонинг табиати ва феъл–автори ҳақидаги қайси оятлар сизга ёқади?

ОЯТ

ХУДОНИНГ ҚАЙСИ ФАЗИЛАТИ ТАСВИРЛАНГАН

FAITH

Process of maturity

Intake of the word

Gift from God

Answered prayer

Ask for it

Observing godly people

Adverse circumstances

Obedience

Claiming promises

Fulfilled prophecy

Giving thanks

ИМОН

Улғайиш жараёни (Бутрус 1:5–9)

Каломни эшитмоқ(Римликларга 10:17)

Худонинг инъоми(Эфесликларга 2:8–9)

Ибодатларга жавоб олмоқ (Юханно 5:14–15)

Худодан сўрамоқ (Марк 9:24)

Художўй инсонларга тақлид қилмоқ(Ибронийларга 13:7)

Синовлардан ўтмоқ (Бутрус 1:6–7)

Итоат қилмоқ(Ибронийларга 11:8)

Умидимизда маҳкам турмоқ(Римликларга 15:4)

Башоратларнинг амалга ошиши (Матто 24:33)

Шуқр қилмоқ(Салоникаликларга 5:17–18)

Page 85

ИМОН НАМУНАЛАРИ

10. Ибронийларга мактубининг 11-боби имон мавзусига бағишиланган. Бу бобни ўқиб чиқинг. Инсонлар имон туфайли нималарга эришганларига эътибор беринг.
а. Имон туфайли эришилган қайси нарсаларни сиз энг муҳим деб биласиз?

б. Нима учун сиз айнан шуни танладингиз?

ХУДОНИНГ ВАЪДАЛАРИ

11. Кимдир сизга бирон нарсани ваъда қилганини эсланг.

а. Ўша одам берган ваъдасини бажариши ёки бажармаслигини қаердан билгансиз?

б. У ваъдасини бажардими? _____

в. Бу ҳодиса ўша одамга бўлган ишончингизга қандай таъсир қилди? Энди сиз унинг ваъдаларига ишонасизми?

12. Худо ҳам сизга ваъдалар берган. Муқаддас Китобда Худонинг ваъдалари ва берган сўзлари ҳақида нималар ёзилган?

3Шоҳлар 8:56

Забур 88:35 _____

Ишаё 55:11 _____

2Бүтүрүс 1:4 _____

13. Нима учун Худонинг ваъдаларига ишониш мумкин, қандай фикрдасиз?

page 86

“Имон доимо Худонинг айтган сўзига ёки берган ваъдасига асосланади. Олижаноб инсон берган сўзига вафо қиласиди. У доимо ваъдасининг устидан чиқади. Худо ҳам худди шундай йўл тутади. У бирон нарса қилишдан олдин, Ўз ниятини Муқаддас Китобда аён этади.” — Эндрю Мюррей*

PROMISES TO CLAIM

14. Күйидаги жадвални түлдириңг.

ОЯТ ВАЛЬ

ШАРТ АГАР БОР БҮЛСА

Юданно 15:7

Еремиёнинг марсияси 3:22–23

Римликларга 8·28

15. Нега Худо баъзи ваъдаларга шарт қўяди? Нима деб ўйлайсиз?

16. 2Коринфликларга 1:20ни ўқинг. Бу оятга кўра Худо берган ваъдаларини қай тарзда бажаради?

Footnote *Эндрю Мюррейнинг “Янги ҳаёт” асаридан олинган парча, 1965 йил “Bethany Fellowship Inc.” нашриёти томонидан чоп этилган.

Page 87

Ибронийларга 6:12 га кўра, сиз Худонинг ваъдаларига таянганингизда, нима қилишингиз ва ўзингизни қандай тутишингиз керак?

Худонинг ваъдалари бизга умид бахш этади. Шундай экан, Худонинг ваъдаларини, уларнинг шарти ва натижасини ўзингиз учун доим ёзиб юринг. Худонинг ваъдалари занжирни ҳосил қиласди. Кўйида сиз учун бир мисол келтирдик:

PROMISE – ВАЪДА

“Зоро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин.” (Юханно 3:16).

WHAT I MUST DO – МЕН НИМА ҚИЛИШИМ КЕРАК?

Believe – Ишониш

RESULT – НАТИЖА

Eternal life – Абадий ҳаёт

17. Шоҳ Ёҳушафат Худонинг ваъдаларига қай тарзда таянганини билиш учун 2Солномалар 20–бобни ўқиб чиқинг. (*Бу боб мазкур китобга илова қилинган. I added the translation of 2Chronicals 20 to the end of the book, it should be added to Uzbek edition because Chronicals are not published yet and it vital for student to be able to read it in Uzbek.*)

А. Шоҳ Ёҳушафат биринчи ўринда нима қилди (3,6–12–оятлар)?

б. Худо унга қай тарзда жавоб берди (15–оят)?

в. Худо нимани ваъда қилди?

г. Ёҳушафат Худонинг ваъдасини эшлиши биланоқ нима қилди (18–оят)?

д. Ёҳушафат Худонинг ваъдасига ишонганини нимадан билсак бўлади?

е. Қандай сўзлар билан шоҳ бошқаларга далда берди (20–оят)?

page 88

ж. Натижа қандай бўлди (22,27–оятлар)? _____

18. Муқаддас Китобни ўқиганингизда Худонинг қайси ваъдасига дуч келдингиз?

ХУЛОСА

Имон билан яшаш

Имон Худонинг муайян сўзига асосланади. Худога ва Унинг сўзига ишониш одамда умид уйғотади, ижобат бўлган ибодатлардан ва рўёбга чиққан ваъдаларидан хурсанд бўлиш хиссини бериб, тинчлик ато этади.

Худодан ўзга нарсаларга ишониш

Инсон ўз ҳаётини ҳар қандай нарсага бағишлиши мумкин, лекин охир–оқибат бундай инсон таназзулга юз тутади. Фақатгина Худо ва Унинг Каломи инсонни ҳақиқий баҳтиёрликка эриштиради.

Имон намуналари

Имон туфайли кўп нарсага эришса бўлади. Ибронийларга мактубининг 11–оятини ўқиганингизда, қайси мисол сизга кўпроқ таъсир қилди?

Худонинг ваъдалари

Худо Ўз ваъдаларига доим содик қолиб, айтган сўзи устидан чиқади. У ҳеч қачон Каломга зид йўл тутмайди ва берган ваъдасини албатта бажаради.

Худонинг ваъдаларига таяниш

Имонли киши Худо берган имкониятдан фойдаланиб, Унинг ваъдаларига таяниши керак. Зотан ишонган инсонга Худо жавоб беради, Ўз ваъдаси устидан чиқади.

Page 89

ТЎРТИНЧИ БОБ ХУДОНИНГ ИРОДАСИНИ БИЛИШ

Масиҳийлар кўпинча “Худонинг иродаси нима?” деган савол бериб, ўз хоҳишилари ва режалари борасида нима қилишларини билмайдилар. Назаримизда, Худонинг иродаси гўёки сандиққа беркитилган хазинага ўхшайди ва биз ўша хазинани топишимиз учун ўзимизни фақатгина хаританинг бир қисмига эга бўлгандай сезамиз. Бироқ бу ҳақиқатдан анчагина йироқ тушунча. Наҳотки Худо биздан Ўз режаларини беркитса, уларни биздан сир тутса?! Асло! Зоро Худо Унга эргашибимизни хоҳлайди, қадамма–қадам бизни бошқаради.

Сулаймоннинг Ҳикматлари 3:5–6–оятларда бу ҳақда ёзилган. Сиз бу оятларни биринчи босқич давомида ёд олгансиз. (Хозир бу оятларни такрорланг, уларни хатосиз айта олганингизда, бу кутичага белги қўйинг □). Бу оятлар Худонинг иродаси нима

эканлигини тушунтириб, нотүғри ғояларни фош этади. Оятлар борасида мурлохаза қилинг.

ХУДО ЎЗ ИРОДАСИНИ АЁН ЭТАДИ

- Сиз Масихга эргашар экансиз, нимани англашга ҳаракат қилишингиз керак (Эфесликларга 5:17)?

-
- Сиз Худонинг иродаси бўйича яшашингизни Худо хоҳлайди. Шундай экан, бу борада У сизга қандай ваъдаларни беради (Забур 31:8)?
-

- Қуйидаги оятларга кўра инсоннинг ҳаёти учун Худонинг иродаси нима?

1 Салоникаликларга 4:3

1 Салоникаликларга 5:18

1 Бутрус 2:15

page 90

- Забур муаллифи 39–сано 9–оядта Худонинг хоҳишига қандай ёндашмоқда? У қандай ҳис–туйғуга эга?

Бундай ижобий туйғуга нима сабаб бўляпти? _____

- Худонинг мурод–мақсадини, Унинг хоҳишини бажаришингиз учун сиз қаердан ёки кимдан куч оласиз?

Филиппиликларга 2:13

Юханно 15:5

“Худонинг иродаси осмондан тушган сехрли тухфага ўхшамайди... Унинг иродаси бамисоли китобнинг очилган варағидир, ҳар куни ҳаётимизда янги варақ очилади. Биз ҳаётимизнинг ҳар кунида Худонинг иродасини фаҳмлаб у бўйича яшашимиз керак. Унинг иродасини бир марта ва бир умрга етатиган даражада билиб олмаймиз, аксинча ҳар куни уни қидириб, тегишли қисмини англаймиз. Демак, биз ҳаётимизни шунчаки режаларни амалга оширишга, бироннинг изидан юришга, меҳнат қилишга ёки бирон жойга боришга эмас, балки Исо Масихга эргашибга бағишлишимиз даркор.”

— Паул Литл*

Инсон бутун ҳаётини Исо Масихга бағишлиб яшай олиши учун, Муқаддас Китобда керакли ҳамма кўрсатмаларни топади. Бироқ Илоҳий Китобда баъзи вазиятлар учун кўрсатмалар бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда имонли киши Муқаддас Китобдаги қоидаларга асосланган ҳолда, ўзи қарор чиқариши керак.

ҚАРОР ЧИҚАРИШ ҲАҚИДА ҚОИДАЛАР

Худонинг Каломига мувоғиқ бўлган мақсадлар

Сиз Худонинг амрларига таянган ҳолда, қандай иш билан машғул бўлишингиз ҳақида қарор чиқаришингиз мумкин. Бирор иш ёки машғулот Худонинг бирорта амрига зид бўлса, демак ундан иш билан шуғулланмаслигингиз керак.

10. Куйидаги оятлар асосида сизнинг ҳаёtingиз учун Худонинг иродаси ва Унинг мақсади нима эканлигини ўз сўзларингиз билан ёзинг.

Матто 6:33 _____
Матто 22:37–39 _____
Матто 28:18–20 _____
1Бутрус 1:15 _____
2Бутрус 3:18 _____

Footnote Паул Литлинг “Худонинг иродасини аниқламоқ” асаридан олинган парча. 1971йилда “Inter-Varsity Press” томонидан, Downers Grove, Илинойз штатида нашр қилинган.

Page 91

Ҳаёtingизда чиқараётган қарорларингиз Худонинг иродасига мувофиқ ёки зид эканлигини билишингиз учун ўзингизга қўйдаги саволларни беринг:

- а. Мен Худонинг хоҳишини ўз истакларимдан устун қўйяпманни ёки йўқми?
б. Мен қилмоқчи бўлган бу ишим Худони ва атрофимдаги одамларни кўпроқ севишимга ёрдам берадими?
в. Масихнинг буюк топширигини бажаришга бу ишим ёрдам берадими?
г. Муқаддас ҳаёт кечиришимга бу ишим ёрдам берадими?
д. Агар шу иш билан шуғуллансан, Масихни яқинроқ таний оламанми?

Бу саволларга самимият билан жавоб берсангиз, Худонинг Каломига мувофиқ бўлган тўғри қарор чиқара оласиз.

7. Куйидаги оятларга асосланиб, Худонинг иродасини аниқлашга ёрдам берадиган саволларни тузинг.

1Коринфликларга 6:12 _____
1Коринфликларга 6:19–20 _____
1Коринфликларга 8:9 _____
1Коринфликларга 10:31 _____

Худога итоаткорлик

Агар сиз Худонинг аён қилган сўзига итоат қиласангиз, У сизга йўл–йўриқ кўрсатишни давом эттирадими? Худодан йўл–йўриқ олиш учун, Унинг айтган сўзига итоат қилиш нухоятда мұхим.

8. Худонинг иродасини қандай қилиб англашимиз мумкин?
Забур 36:31 _____
Забур 118:105,130 _____
9. Худонинг иродасини билиш учун яна нима қилишимиз керак?
Забур 142:8 _____
Ёқуб 1:5 _____

10. Забур 24:4–5ни ўқинг. Бу оятларда шоҳ Довуд Худодан йўл–йўриқ сўраб, илтижо қиласди. Довуднинг бу илтижосини ўз сўзларингиз билан, ўзингиз учун ибодат қилиб айтгандай ёзинг.

page 92

11. Римликларга 12:1–2 оятларга кўра, Худонинг иродасини билиш учун қандай шартни бажаришингиз керак?

12. Сиз Худонинг йўлидан юрар экансиз, Раббимизнинг ваъдасига кўра сизни Ким бошқаради (*Юҳанно 16:13*)?

13. Забур 26:14 ва Ишаё 30:18 ўқинг. “Худога умид боғлаш” тушунчаси Худонинг иродасини билиш билан қандай боғлиқлиги бор? Забурдаги оятга кўра, сиз қай тарзда Худога умид боғлашингиз керак?

Шайтон одамларни олдига солиб ҳайдайди, Худо эса уларни етаклайди.

Худонинг раҳнамолигини исташ

Агар сиз Худога бўйсунишга тайёр турсангиз, Унинг иродасини аниқлашингиз қийин кечмайди.

14. Турли хил вазиятларда Худонинг иродасини аниқ билмаслигингиз мумкин. Бундай ҳолларда нима қилишингиз керак? Сулаймоннинг ҳикматлари 15:22га кўра жавоб беринг.

Сиз ўзингизга маслаҳатчи қидирганингизда эҳтиёт бўлинг, дуч келган одамнинг гапига кираверманг. Маслаҳатчи имонда етуқ, Худонинг амрларига риоя қиласиган ва сизни яхши биладиган инсон бўлиши зарур. Сиз тушган вазиятни бошидан кечирган, тажрибали одамдан насиҳат сўранг.

15. Юҳанно 7:17 ни ўқинг. Исонинг одамларга қайтарган жавоби қандай ҳақиқатга асосланган?

page 93

Худонинг иродасини бажариш истаги, Унинг иродасини билишга қандай ёрдам беради?

16. Худонинг иродасини билганингиздан кейин, уни қай тарзда бажаришингиз керак (Эфесликларга 6:6)?

17. Худо сизни бошқараётганини нимадан билишингиз мумкин? Қуйидаги сўз бирикмаларни мос келадиган оят манзиллари билан боғланг:

- | | |
|--|----------------------------|
| — Дикқат қилиб, доно кишилар каби фикр юритмоқ | а. Колосаликларга 3:15 |
| — Юрагингиздаги тинчлик | б. Филиппиликларга 1:12–14 |
| — Маълум бир вазият | в. Эфесликларга 5:15–17 |

Худонинг иродасини билишда фақат шу нарсалар билан чекланиб қолиш қандай ҳавф туғдириши мумкин?

What is God's will for my life? Менинг ҳаётим учун Худонинг иродаси қандай?

objectives from Word — Каломга асосланмоқ

openness to leading — Эргашишни истамоқ

obedience to God — Худога бўйсунмок

page 94

ҚОИДАЛАРНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ

18. Муқаддас Китобда шундай ҳикоялар борки, улардан биз қаҳрамонларнинг тўғри ва нотўғри қарор чиқаришларига нималар таъсири қилганини кўра оламиз. Муқаддас Китобдан қуйидаги парчаларни ўқиб, ўзингизга шундай саволлар беринг: Ҳикоядаги муаммо нимадан иборат эди? Қаҳрамон қандай йўл тутишни қарор қилди? Қаҳрамоннинг ижобий ёки салбий қарорига қандай омил таъсири кўрсатди?

ИНСОН	ОЯТ	МУАММО	ҚАРОР	ОМИЛЛАР
Гидўн	Ҳакамлар 6:25–28	_____	_____	_____
Мусо	Ибронийларга 11:25–26	_____	_____	_____
Димас	2Тимўтийга 4:10	_____	_____	_____

19. Сиз хозир қандай вазиятда бўлманг, Худонинг иродасини аниқлашингизга ва тўғри қарор чиқаришингизга қуйидаги жадвал ёрдам бериши мумкин.

Қарор қилишим керак бўлган нарса: _____

ҲАЁТДАГИ МАҚСАДЛАР	ҲА	ЙЎҚ	БЕТАРАФ
Мен Худонинг хоҳишини ўз истагимдан устун			

кўйганманми?			
Бу қарорим Худони ва бошқаларни кўпроқ севишимга менга ёрдам берадими?			
Буюк Топшириқни бажаришимга ёрдам берадими?			
Мени муқаддаслик сари етаклайдими?			
Масиҳийча таълимотни чуқурроқ ўзлаштириб олишимга ёрдам берадими?			
Кўшимча саволлар:	_____	_____	_____
	_____	_____	_____
	_____	_____	_____
	_____	_____	_____

Page 95

ХУДОГА ИТОАТКОРЛИК

Бу қарорингизга Муқаддас Китобдаги қайси омиллар таъсир кўрсатмоқда?

ХУДОНИНГ РАҲНАМОЛИГИНИ ИСТАШ

БОШҚА ВАРИАНТ

АФЗАЛЛИГИ

КАМЧИЛИГИ

Мени яхши билган, етук масиҳий менга шундай маслаҳат берди: _____

Юрагимнинг ҳолати: тинчлик борми? _____

Вазиятнинг тафсифи: _____

Page 96

БЕШИНЧИ БОБ

ХИЗМАТ — ҲАЁТ ТАРЗИ

Шогирдликнинг энг мураккаб томони бу — хизмат қилмоқ. Бошқалар бизга хизмат қилишса ёқтирамиз, лекин ўзимиз бошқаларга хизмат қилишдан оғринамиз. Бизни хизматчи деб чақиришса, пинағимизни бузмаймиз, бироқ бизга хизматкор сифатида муомала қилишса, портлаб кетамиз. Етук масихий юриш—туришидан билинади, у бошқаларга қилган яхшилигини миннат қилмайди, яхшилигимга яхшилик қайтаришади, деб кутмайди.

МАСИХ БИЗ УЧУН НАМУНА

1. Исо Масих бу дунёга нима мақсад билан келган (*Марк 10:45*)?

2. Куйидаги оятларга кўра, Исо қандай қилиб одамларга хизмат қилган?

Матто 9:35 _____

Юҳанно 13:3–5 _____

“Худонинг Ўғли илоҳий мақсадни бажариш учун Худонинг қули бўлди”

— Ж. Освалд Сандерс*

3. Филиппиликларга 2:5–8 ни ўқинг.

а. Сиз кимга тақлид қиляпсиз (*5–оят*)? _____

б. Исо Масих Ўз улуғворлигидан воз кечиб, ким бўлди (*7–оят*)? _____

в. Қандай қилиб У Ўзининг қул эканлигини кўрсатди (*7–8–оятлар*)? _____

Footnote *Ж. Освалд Сандерснинг “Рухий раҳнамолик” асаридан олинган парча. 1967 йил “Moody Press” нашриёти томонидан чоп этилган. Чикаго шаҳри.

Page 97

4. Сиз ҳақиқий хизматкор бўлишингиз учун Филиппиликларга 3:4–5–оятларда берилган кўрсатмаларга риоя қилишингиз даркор.

А. Ўша оятларда қандай кўрсатмалар берилган? _____

б. Ўз ҳаётингиз ҳақида ўйлаб кўринг: сиз қайси вазиятларда бу кўрсатмаларга риоя қилмаяпсиз?

в. Буни ўзгартириш учун нима қилишингиз керак? _____

ИСО МАСИХ СИЗГА РАВО КЎРГАН ЭЗГУЛИКЛАР

5. Марк 1:31 ўқинг.

А. Исо Масих Бутруснинг қайнанасига шифо берганидан кейин, у аёл нима қилди?

б. Нега у ўша заҳоти хизмат қила бошлади, нима деб ўйлайсиз?

в. Исо Масих сизга қандай ёрдам кўрсатди? _____

г. Миннатдорчилик тариқасида сиз нима қилишингиз керак? _____

6. Сиз кимга хизмат қилишни хоҳлашингиз керак?

Юҳанно 12:26 _____

Галатияликларга 5:13 _____

Галатияликларга 6:10 _____

7. Исо Масих Ўз шогирдлари билан сўнгги қутлуғ кечани нишонлаб ўтирганида уларга хизмат ҳақида кўп янги нарсаларни аён қилган эди. Луқо 22:24–27 ни ўқинг.

а. Шогирдлар нима ҳақида баҳс қилаётган эдилар (24–оят)? _____

page 98

б. Исо ўз камтарлигини қандай кўрсатди (27–оят)? _____

в. Исонинг шогирдлари ўзларини қандай тутишлари керак (26–оят)? _____

г. “Дунёга” ўхшаган бўлмаслик дейилганда, нима тушунилади (25–оятга асосланиб жавоб беринг)? _____

д. Исо Масих Ўз хаёти орқали хизматкор қандай бўлиш кераклигини бизга намоён қилди. Исо шогирдларининг оёқларини ювганида, хизматга бўлган муносабати ва юрак ҳолатини бизга кўрсатади (Юҳанно 13:1–5). Сиз ўзингиз учун Юҳанно 13:1–5дан нималарни ўрганиб олдингиз? Буни ўз хаёtingизда қандай татбиқ қилишингиз мумкин?

ЎЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИШ

Исо Масих бизга эркинлик берди, бироқ бу — хоҳлаган нарса қила оламиз дегани эмас. Масих бизни гуноҳ чангалидан озод қилди. Энди биз гуноҳ қули эмас — солиҳлик қулимиз (Римликларга 6:18–19). Биз Худога хизмат қила олишимиз учун У бизни шайтондан халос қилди (Бутрус 2:16). Бошқаларга хизмат қилишимиз учун нафсу худбин истаклардан бизни қутқарди (Галатияликларга 5:3) Биз энди дунёга ва эски ҳаётга хизмат қилишга мажбур эмасмиз, балки Масихдаги янги ҳаётга хизмат қилиш эркинлигига эгамиз.

2Коринфликларга 4:5 да Павлус ўзини ким деб атаган? _____

page 99

Ўзини хизматкор деб билган инсон ким учун яшайди (2Коринфликларга 12:15)?

10. Яхши хизматкорнинг бир нечта фазилатини ёзинг.

(2 more lines needed)

Биронтасидан сўранг “масиҳий хизматкор”га изоҳ берсин, унинг жавобини қуида ёзинг:

ХИЗМАТКОР УЧУН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Камтарин бўлмоқ

11. Камтарин бўла олишингиз учун сиз бир нарсани доим эсингизда тутишингиз керак. Бу нарса нима? Юҳанно 13:13,16 га асосланиб жавоб беринг.

12. Самарали тарзда хизмат қилган инсон мағуруланиб кетиши мумкин. Ўзингизни мағурликдан сақлашингиз учун нима қилишингиз керак? Луқо 17:10 га асосланиб жавоб беринг.

page 100

Бошқаларга ғамхўрлик қилиб, уларнинг муҳтожсликларини қондирмоқ

13. Хизматкор эътиборли ва кузатувчан бўлади. Ҳикматлар китобида шундай ёзилган: “Эшитадиган қулоқ, кўрадиган кўз —икковини ҳам Эгамиз яратган” (Сулаймоннинг ҳикматлари 20:12). Худо берган кўз ва қулоқларингизни ишга солинг.

а. Яхши тингловчи бўла олишингиз учун нима қилишингиз керак? _____

б. Эътиборли қузатувчи бўлишингиз учун нима қилишингиз керак? _____

(Эътибор берадиган одам қандай бўлиши кераклиги ҳақида Сулаймоннинг ҳикматлари 24:30–34 да ўқинг).

14. Бошқаларнинг қандай муҳтожликларини биласиз? Уларга қандай ёрдам беришингиз мумкин?

Сулаймоннинг ҳикматлари 3:27 ва 1Юҳанно 3:17 ни ўқинг. Бу оятлар сизга нима қилиш кераклигини ўргатяпти?

Хизматингизга баҳо беринг

15. Бир дақиқага тўхтаб, хизматингизга баҳо беринг.

А. Сиз яқин орада кимга хизмат қила олдингиз? Жавобингизни қўйида ёзинг.

б. Кимгадир ёрдам кераклигини била туриб, унга ёрдам бермаган вақtingиз ҳам бўлганми?

page 101

в. Нима деб ўйлайсиз, нега сиз баъзи пайтлари хизмат қиласизу бошқа пайтлари эса йўқ?

16. Нега “кичик ишда” ҳам садоқатли хизмат талаб қилинади? Луқо 16:10 га асосланиб жавоб беринг.

“Садоқат билан бажарилган кичкина ва оддий ишлар ўз вақтида самарасини беради, уларнинг ҳар бири гўё терилган тошдай муваффақият йўлини сиз учун ҳозирлайди.”*

ХИЗМАТКОР САҲИЙ БЎЛАДИ

Бошқаларнинг моддий муҳтожликларини қондириш — катта таъсирга эга бўлган хизматлардан бири ҳисобланади. Агар сиз одамларга моддий ёрдам кўрсата олсангиз, демак уларга руҳий ёрдам ҳам кўрсата оласиз, ўз вақtingизни уларга сарфлаб, тажрибангиз билан ўртоқлаша оласиз, меҳр кўрсата оласиз. Саҳийлик — хизматкорнинг асосий фазилатларидан биридир.

17. Янги Аҳдга кўра хайрли ишларимиз ва саҳийлигимизнинг манбаи биз учун ким ёки нима бўлиши керак?

2Коринфликларга 8:9 _____

2Коринфликларга 9:8 _____

18. Қўли очик одамга Худо қандай ваъдалар беради?

Луқо 6:38 _____

Филиппиикларга 4:19 _____

***Footnote** А. Ж. Русселнинг “Худонинг даъвати” асаридан олинган парча. “Dodd, Mend and Compani” нашриёти томонидан чоп этилган, Нью Йорк.

Page 102

19. Кўйидаги жадвални тўлдиринг. Оятларга асосланиб, қайси тоифадаги одамларга ёрдам бериш кераклигини ёзинг. Сўнг ўша тоифадаги танишларингизнинг қайси бирига ёрдам бера олсангиз, ўшанинг исмини ёзинг.

ОЯТ	КИМГА ЁРДАМ БЕРИЛИШИ КЕРАК	ТАНИШИМНИНГ ИСМИ
Ҳикматлар 19:17		
1Коринфликларга 9:14		
Галатияликларга 6:6		
Ёкуб 2:15–16		

20. Саҳийлигингизга баҳо беринг.

а. Саҳийлик томон қадам ташлаш режасини туздингизми? _____

б. Ҳозирги кунда сиз кимга моддий ёки руҳий ёрдам кўрсатяпсиз? _____

в. Сиз ҳозиргача бошқаларга ёрдам бериб келдингиз, энди саҳийлик ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлганингиздан кейин сиз ёрдам беришда биронта одатингизни ўзгартиришингиз керакми ёки йўқми? _____

Агар керак бўлса, энди нима қилишингизни ёзинг: _____

ХУЛОСА

Исо Масих биз учун намуна

Исо хизматкор бўлишга мажбур эмасди, аммо У Ўз хоҳиши билан хизмат қилди. Ер юзида яшаб юрган пайтида У турли тарзда одамларга хизмат қилди, чин қалбидан уларнинг муҳтожликларини қондирди.

Исонинг биз учун мақсади

Исо биз учун Ўз жонини фидо қилди, биз бунга жавобан Унга хизмат қилишимиз даркор. Имонлилар ҳам атрофдаги одамларга, ҳам руҳий етакчиларига хизмат қилишлари керак.

Ўзлигингиздан воз кечинг

Имонлилар бошқаларга хизмат қилишларини Исо хоҳлайди. Биз бошқларга сидқидилдан хизмат қила олишимиз учун ўзлигимиздан воз кечиб, ҳудбин истакларимиз учун ўлишимиз керак. Шунда озод бўлиб, бошқаларга турли йўллар билан хизмат қила оламиз.

Page 103

Хизматкор учун асосий талаблар

Хизматкор бўлишни истаган масиҳий, биринчи навбатда, Исо Масих ҳокимиятини тан олиб, унинг бошчилигига хизмат қилиши керак. У бошқаларга юксак даражада эътиборли бўлиб, қўлидан келганча ёрдам бериши лозим. Вақти вакти билан хизматини баҳолаб туриши керак, шунда у яхшироқ хизматкор бўла олади.

Хизматкор саҳий бўлади

Ҳақиқий хизматкор нафақат ўз вақтини бағишлиайди, у моддий томондан ҳам ёрдам беради. Худонинг амрига кўра биз — масиҳийлар, бошқаларнинг муҳтожликларини қондиришимиз керак, шунда У ҳам бизга мўл—кўл баракаларни беради. Ҳар бир масиҳий ўз устида ишлаб, Худога муносиб саҳий ва хайрли ишларга бой инсон бўлиши керак.

Page 104

Кейинги сахифаларда “Дастурни ўрганиш кундалиги” илова қилинган. Булар “Учинчи босқични” ўрганиб олгунингизга қадар етиши керак. Мабодо, қайсиdir сабабларга кўра, бу вараклар сизга етмаса, гуруҳингиз етакчисидан ёки жамоат кутубхонасидан алоҳида китобча қилиб чоп этилган “Дастурни ўрганиш кундалигини” сўранг. Агар сиз 3–босқични кеч баҳорда тугатиб, 4–босқични эса кузда бошлашни режалаштирган бўлсангиз, варакларнинг нусҳаларини қўшимча тарзда ўзингиз учун ёзга етадиган қилиб олинг.

Here I added the translation of 2Chronicals chapter 20

Солномалар 2–китоб, 20–боб

20

Эдомга қарши уруш

¹ Орадан бир оз вақт ўтгач, Мўабликлар билан Оммонликлар ҳамда Мавун халқининг бир қисми Ёхушафатга қарши урушгани отландилар. ² Хабарчилар келиб, Ёхушафатга: “Сон—саноқсиз лашкар Эдомдан, Ўлик денгизнинг нариги қирғоғидан сизга қарши келмоқда. Улар Хазазон—Тамарни қўлга киритиб бўлишган”, деб айтдилар. (Хазазон—Тамарнинг бошқа номи Энгеди эди.) ³ Ёхушафат қўрқиб кетди. У Эгамизнинг хоҳиширодасини билмоқчи бўлиб, бутун Яхудо бўйлаб рўза эълон қилди. ⁴ Яхудонинг ҳамма шаҳарларидан халқ Қуддусга йиғилиб, Эгамиздан мадад тилади.

Шоҳ Ёхушафатнинг ибодати ва ғалабаси

⁵ Ёхушафат Яхудо ва Куддус жамоаси қаршисида — Эгамизнинг уйи олдидаги янги ховлида туриб, ⁶ илтижо қилди:

“Эй ота—боболаримизнинг Худоси — Эгамиз! Самодаги ягона Худо Сенсан. Сен ер юзидағи барча халқларга ҳукмронлик қиласан. Куч—қудрат эгаси Ўзингсан. Ким Сенга бас кела олар?! ⁷ Эй Худойимиз! Халқинг Исройл бу юртга келганда, Сен уларнинг олдидан маҳаллий халқни ҳайдаб юбординг, бу юртни дўстинг Иброҳимнинг наслига то абад бердинг. ⁸ Ота—боболаримиз бу ерда яшаб, Сенга атаб бир Маъбад барпо қилдилар. Улар шундай деган эдилар:

⁹ — Бошимизга уруш, ўлат ва очарчилик каби кулфатлар тушганда биз шу уйинг олдига, Сенинг ҳузурингга келамиз. Зоро, Сен шу ердасан. Кулфат ичра Сенга ёлворамиз, шунда Сен илтижоларимизни эшитиб, бизга нажот берасан.

¹⁰ Мана қара, Оммон, Мўаб ва Эдом юртининг халқлари бизга хужум қиляптилар. Бизнинг ота—боболаримиз Мисрдан чиққанларида, Сен уларга бу юртларга киришга ижозат бермаган эдинг. Улар ўша юртларни айланиб ўтиб, у халқларни кириб юбормаган эдилар. ¹¹ Энди эса бу халқларнинг бизга қайтарган мукофотини кўриб қўй! Сен бизга мулк қилиб берган юртдан улар бизни ҳайдаб юбормоқчилар. ¹² Эй

Худойимиз! Сен Ўзинг уларни жазола, чунки бизга хужум қилган бу улкан лашкарга биз қаршилик қилишга ожизмиз. Нима қилишни биз билмаймиз, Сендан келадиган ёрдамга кўз тутиб ўтирибмиз.”

¹³ Шу пайтда жамики Яхудо эркаклари хотин, бола–чақалари билан Эгамизнинг олдида — Маъбадда турган эдилар. ¹⁴ Шу он Эгамизнинг Рухи жамоа орасида турган леви Закариё ўғли Яхазиёлни қамраб олди. Яхазиёл Осиф уруғидан бўлиб, Бинаёнинг невараси, Явиёлнинг эвараси ва Маттаниёнинг чевараси эди. ¹⁵ Яхазиёл деди: “Эшитинглар, эй Ёхушафат ҳазратлари, бутун Яхудо ва Қуддус аҳли! Эгамиз сизларга шундай деб айтмоқда: бу сон–саноқсиз лашкардан кўрқманглар, ваҳимага тушманглар! Бу жанг сизники эмас, Худоникидир. ¹⁶ Эртага уларга хужум қилинглар. Улар Зиз довонидан ошиб тушадилар. Сизлар уларни Ярубол адирларининг этагидаги сойлик бошида топасизлар. ¹⁷ Бу урушда сизлар жанг қилмайсизлар. Сизлар жойингизни эгаллаб, кутинглар. Эгамиз сизларни ғалабага эриштирганини кўрасизлар. Эй Яхудо ва Қуддус аҳли! Кўрқманглар, ваҳимага тушманглар. Эртага уларга хужум қилинглар, Эгамиз сизлар билан бирга бўлади.”

¹⁸ Шундан кейин Ёхушафат ер ўпид таъзим қилди. Бутун Яхудо ва Қуддус аҳли ҳам таъзим қилиб, Эгамизга сажда қилди. ¹⁹ Қоҳот ва Кўраҳ наслларидан бўлган левилар тик туриб, Истроил халқининг Худоси — Эгамизга баланд овоз билан ҳамду сано ўқидилар.

²⁰ Яхудо лашкарлари тонг сахарда туриб, Тахува адирларига йўл олдила. Улар йўлга чиққанларида, Ёхушафат туриб деди: “Эшитинг, эй Яхудо ва Қуддус аҳли! Эгангиз Худога ишонинг, шунда бехатар бўласиз! Эгамизнинг пайғамбарлари айтган гапларига ишонинг, шунда мувваффақиятга эришасиз!” ²¹ Ёхушафат халқ билан маслаҳатлашиб бўлгандан кейин, Эгамиз шаънига қўшиқ айтадиган, муқаддаслигининг гўзаллигига ҳамду сано ўқийдиган қўшиқчиларни тайинлади. Улар лашкар олдида: “Эгамизга шукроналар айтинг, Унинг содиқ севгиси абадийдир”, деб қўшиқ айтишлари керак эди.

²² Улар қўшиқ ва ҳамду сано айтишни бошлишлари биланоқ, Яхудога қарши келган Оммон, Мўаб ва Эдом халқларига Эгамиз гойибдан хужум қилди, уларни тор–мор этди.

²³ Оммон ва Мўаб халқлари Эдом халқига хужум қилиб, уларни битта қолдирмай қириб ташлашди. Уларни йўқ қилганларидан кейин эса бир–бирларини қиришди.

²⁴ Яхудо халқи адирларнинг бутун манзарасини кўрса бўладиган баландликка етиб келганларида, ғанимлар томонга қараб, фақат ерда чўзилиб ётган мурдаларни кўрдилар. Биронтаси ҳам қочиб қутулмаган эди. ²⁵ Ёхушафат ўлжа олиш учун лашкарини бошлаб борганда, улар кўп миқдорда уй ҳайвонларини, мол–ҳолни, кийим–кечакларни ва қимматбаҳо буюмларни топдилар. Кўтара олгунларича нарса олиб кетдилар. Ўлжанинг кўплигидан, улар уч кун нарса ташидилар. ²⁶ Тўртинчи куни улар Барака сойлигида йиғилишиб, Эгамизга ҳамду сано айтдилар. Шу сабабдан бу сойликнинг номи бугунги кунда ҳам Барака сойлиги деб юритилади. ²⁷ Кейин бутун Яхудо ва Қуддус халқи Ёхушафат бошлигига хурсандчилик билан Қуддусга қайтдилар, чунки Эгамиз уларга душманлари устидан тантана қилишга имкон берган эди. ²⁸ Улар арфа, лира ва карнай чалиб, Қуддусга — Эгамизнинг уйига келдилар. ²⁹ Эгамиз халқи Истроилнинг душманларини мағлуб қилганини эшитган барча халқлар Худодан кўрқиб қолишиди. ³⁰ Ёхушафатнинг шоҳлиги тинчлиқдан баҳра топди, Худо уларга хар тарафдан осойишталиқ ато қилди.

Ёхушафат ҳукмронлигининг сўнгги даври

³¹ Шундай қилиб, Ёхушафат Яхудода ҳукмронлик қилди. У тахтга ўтирган пайтда ўтгиз беш ёшда бўлиб, Қуддусда йигирма беш йил шоҳлик қилди. Онаси Озибах Шилхининг қизи эди. ³² Ёхушафат отаси Осонинг йўлидан юрди, йўлдан озмай, Эгамиз олдида тўғри ишлар қилди. ³³ Аммо саждагоҳларни йўқ қилиб ташламади. Халқ хануз ота–боболарининг Худосига чин юракдан боғланмади.

³⁴ Ёхушафатнинг бошқа ишлари бошдан охиригача Хонин ўғли Ёхунинг қўлёзмаларида баён этилган бўлиб, “Исроил шоҳлари тарихи” таркибига киритилган.

³⁵ Кейинчалик Яхудо шоҳи Ёхушафат Исроил шоҳи Охазиё билан иттифоқ тузди. Охазиё кўп қабих ишлар қилган эди. ³⁶ Улар биргаликда Эйзун–Геберда денгиз савдо кемаларини ясадилар. ³⁷ Шунда Моришолик Дўдаваху ўғли Элиазар Ёхушафатга қарши башорат қилиб: “Сен Охазиё билан иттифоқ қилганинг учун, Эгамиз бу кемаларингни бузиб ташлайди”, деб огоҳлантирди. Кемалар парчаланиб, денгизга чиқишига муваффақ бўлмадилар.

ДАСТУРНИ ЎРГАНИШ КУНДАЛИГИ

“Йўлимдан юрганлар бахтилидир. Панд-насиҳатларимни тинглаб доно бўлинглар, уни рад этманглар. Ҳар кун оstonамда кутиб, эшигимни пойлаб, сўзларимга қулоқ соладиган бахтилидир.” (Сулаймоннинг хикматлари 8:32–34).

○ **Якшанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
 Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
 Унинг гояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Душанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
 Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
 Унинг гояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Сешанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
 Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
 Унинг гояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Чоршанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
 Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
 Унинг гояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Пайшанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
 Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
 Унинг гояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Жума** сана _____ Ўқиган оятларим _____
 Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
 Унинг гояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Шанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
 Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
 Унинг гояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

IBT (ўзбек тилига янги таржима)

Ҳамма гуноҳ қилган

Римликларга 3:23

“Ахир, ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир.”

Римликларга 3:23

B-1 Maciҳ ҳақида Xushhabar aйтмоқ

IBT (ўзбек тилига янги таржима)

Гуноҳ учун жазо

Римликларга 6:23

“Гуноҳнинг эвази – ўлим, Худонинг инъоми эса Раббимиз Исо Масиҳ орқали бериладиган абадий ҳаётдир.”

Римликларга 6:23

B-3 Maciҳ ҳақида Xushhabar aйтмоқ

IBT (ўзбек тилига янги таржима)

Гуноҳимизнинг жазосини Масиҳ тортди

Римликларга 5:8

“Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимиизда, Масиҳ биз учун ўлди. Шу йўсинда Худо бизга бўлган Ўз меҳр–муҳаббатини намоён қилди.”

Римликларга 5:8

B-5 Maciҳ ҳақида Xushhabar aйтмоқ

IBT (ўзбек тилига янги таржима)

Масиҳни қабул қилмоқ даркор

Юҳанно 1:12

“Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига эса, Унга имон келтирганларга, У Худонинг фарзанди бўлиш хуқуқини берди.”

Юҳанно 1:12

B-9 Maciҳ ҳақида Xushhabar aйтмоқ

IBT (ўзбек тилига янги таржима)

Абадий ҳаётга ишонч

Юҳанно 5:13

“Эй Худонинг Ўғлига ишонганлар, сизлар абадий ҳаётга эгасизлар. Шуни билиб олинглар деб сизларга бу мактубни ёзяпман.”

Юҳанно 5:13

B-11 Maciҳ ҳақида Xushhabar aйтмоқ

IBT (ўзбек тилига янги таржима)

Ҳамма гуноҳ қилган

Ишаё 53:6

“Ҳаммамиз қўйлардай йўлдан адашдик, Ҳаммамиз ўз йўлимиздан кетдик. Ҳаммамизнинг айбларимизни Эгамиз унинг зиммасига юклади.”

Ишаё 53:6

B-2 Maciҳ ҳақида Xushhabar aйтмоқ

IBT (ўзбек тилига янги таржима)

Гуноҳ учун жазо

Ибронийларга 9:27

“Инсон зоти бир марта ўлади, сўнг Худо томондан хукм қилинади.”

Ибронийларга 9:27

B-4 Maciҳ ҳақида Xushhabar aйтмоқ

IBT (ўзбек тилига янги таржима)

Гуноҳимизнинг жазосини Масиҳ тортди

1Бутрус 3:18

“Масиҳ бизни гуноҳларимиздан то абад фориғ қилиш учун азоб чекканини ёдингизда тутинглар. У солиҳ бўла туриб, биз, гуноҳкорларни Худога яқинлаштириш учун жонини фидо қилди. Уни жисман ўлдиришди, аммо У янги, улуғвор ҳаёт учун тирилди.”

1Бутрус 3:18

B-6 Maciҳ ҳақида Xushhabar aйтмоқ

IBT (ўзбек тилига янги таржима)

Масиҳни қабул қилмоқ даркор

Вахий 3:20

“Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Ким овозимни эшишиб эшикни очса, Мен ўшанинг олдига кираман. Мен у билан ва у Мен билан овқатни баҳам кўрамиз.”

Вахий 3:20

B-10 Maciҳ ҳақида Xushhabar aйтмоқ

IBT (ўзбек тилига янги таржима)

Абадий ҳаётга ишонч

Юҳанно 5:24

“Сизларга чинини айтай: Менинг сўзларимни тинглаган ва Мени Юборганга ишонган киши абадий ҳаётга эгадир. У

хукм қилинмайди. Зотан, у ўлимдан ҳаётга ўтган.”

Юханно 5:24

B-12 Maciҳ ҳақида Xуихабар айтмоқ

IBT (ўзбек тилига олдинги таржисма)

Ҳамма гуноҳ қилган

Римликларга 3:23

“Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғорлигидан маҳрумдир.”

Римликларга 3:23

B-1 Maciҳ ҳақида Xуихабар айтмоқ

IBT (ўзбек тилига олдинги таржисма)

Гуноҳ учун жазо

Римликларга 6:23

“Гуноҳнинг эвази – ўлим, Худонинг инъоми эса Раббимиз Исо Масиҳ қиёфасидаги абадий ҳаётдир.”

Римликларга 6:23

B-3 Maciҳ ҳақида Xуихабар айтмоқ

IBT (ўзбек тилига олдинги таржисма)

Гуноҳимизнинг жазосини Maciҳ тортди

Римликларга 5:8

“Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Maciҳ биз учун ўлди. Бу Худонинг бизга бўлган муҳаббатидан далолатдир.”

Римликларга 5:8

B-5 Maciҳ ҳақида Xуихабар айтмоқ

IBT (ўзбек тилига олдинги таржисма)

Масиҳни қабул қилмоқ даркор

Юханно 1:12

“Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига эса, Унга имон келтирганларга, У Худонинг фарзанди бўлиш иқтидорини берди.”

Юханно 1:12

B-9 Maciҳ ҳақида Xуихабар айтмоқ

IBT (ўзбек тилига олдинги таржисма)

Абадий ҳаётга ишонч

Юханно 5:13

“Мен буларни сизлар абадий ҳаётга эгалигинизни билинглар, деб ёздим.

Чунки сизлар Худонинг Ўғли номига имон келтиргансизлар.”

Юханно 5:13

B-11 Maciҳ ҳақида Xуихабар айтмоқ

IBT (ўзбек тилига янги таржисма)

Ҳамма гуноҳ қилган

Ишаё 53:6

“Ҳаммамиз қўйлардай йўлдан адашдик, Ҳаммамиз ўз йўлимиздан кетдик. Ҳаммамизнинг айбларимизни Эгамиз унинг зиммасига юклади.”

Ишаё 53:6

B-2 Maciҳ ҳақида Xуихабар айтмоқ

IBT (ўзбек тилига олдинги таржисма)

Гуноҳ учун жазо

Ибронийларга 9:27

“Зотан бир марта ўлиш ва ундан кейин хукм қилиниш инсонларнинг тақдиридир.”

Ибронийларга 9:27

B-4 Maciҳ ҳақида Xуихабар айтмоқ

IBT (ўзбек тилига олдинги таржисма)

Гуноҳимизнинг жазосини Maciҳ тортди

1Бутрус 3:18

“Чунки Maciҳ ҳам бизни Худога яқинлаштириш ва гуноҳларимизни ювиш учун бир марта азоб чекиб, ўлди. Ўзи солиҳ киши бўлгани ҳолда, гуноҳкорлар учун қурбон бўлди. Унинг баданини ўлдиришган бўлса-да, Рухи тирилди.”

1Бутрус 3:18

B-6 Maciҳ ҳақида Xуихабар айтмоқ

IBT (ўзбек тилига олдинги таржисма)

Масиҳни қабул қилмоқ даркор

Вахий 3:20

“Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Кимда-ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен унинг ёнига кираман; Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўрамиз.”

Вахий 3:20

B-10 Maciҳ ҳақида Xуихабар айтмоқ

IBT (ўзбек тилига олдинги таржисма)

Абадий ҳаётга ишонч

Юханно 5:24

“Сизларга ростини айтай: Менинг сўзларимни тинглаган ва Мени Юборганга ишонган киши абадий ҳаётга эга бўлади. У

ўлимдан ҳаётга ўтгани учун ҳукм
қилинмайди.”

Юханно 5:24

В-12 *Masıx ҳақида Хүшхабар айтмоқ*